



**“TIQXMMI”**

MILLIY TADQIQOT UNIVERSITETI

“ТИҚХММИ” МТУ  
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛарнинг  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ТАРМОҚ МАРКАЗИ

# ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИК ТЕХНИКАЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАГИ ЗАМОНАВИЙ ЮТУҚЛАР

2024

TIPAME.UZ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ  
МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МТУ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ  
МАРКАЗИ**

**“ҚИШЛОҚ ХО'ЖАЛИК ТЕХНИКАЛАРИ ВА  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАГИ ЗАМОНАВИЙ ЮТУҚЛАР”**

**модули бўйича**

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тузувчи:**

**С. Алиқулов** ТИҚХММИ МТУ, “Машиналардан фойдаланиш ва таъмирлаш” кафедраси доценти, т.ф.н., доцент

**Тақризчилар:**

**Р. Халилов** - ТошДАУ «Қишлоқ хўжалигини Механизациялаштириш ва автоматлаштириш» кафедраси доценти, т.ф.н.

**А. Дўскұлов** – ТИҚХММИ МТУ «Қишлоқ хўжалиги машиналари» кафедраси доценти, т.ф.н.

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР.....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>10</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>13</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>40</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b>50</b>
<b>VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....</b>	<b>64</b>
<b>VII. ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>66</b>
<b>VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>67</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

Аграп соҳа маҳсулотларини етиштириш кластер корхоналари ва фермер хўжаликлари зиммасига юқлатилганлиги ишлаб чиқарувчи кучларни ишлаб чиқариш воситаларига бўлган муносабатларини тубдан ўзгартиришига олиб келди.

Республика агросаноатининг барча йўналишларини, айниқса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини энг замонавий, мукаммал қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш учун хорижий давлатларнинг илгор фирмалари билан ҳамкорликда бундай техникаларни мамлакатимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Чет эллардан келтирилаётган ва хорижий фирмалар билан ҳамкорликда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик техникаларини замонавий борт компьютерлари, бевосита ва масофадан туриб бошқариш тизимлари билан таъминланганлиги ҳамда операторларга замонавий талаблар даражадаги шароитлар яратилганлиги, улардан самарали фойдаланиш ишларини юқори савияда олиб бориш ва бу ишларни амалга ошириш учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳалари учун мухандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги ПҚ-3003-сонли қарорида ҳам бу масалани амалга оширишга алоҳида эътибор берилган.

Модулнинг ишчи ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институтида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3702-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли фармонида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илгор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

### **Модулининг мақсади:**

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдаги ишлаб чиқариш жараёнларидағи муаммоли вазиятларни аниқлаш, тахлил этиш ва уларни бартараф этиш йўллари; инновацион техника ва технологияларни танлаш ва ишлаб чиқаришга жорий этишнинг асосий тартиб-қоидаларига амал қилиш; қишлоқ хўжалиги техникаларини масофадан туриб бошқаришнинг инновацион тизимларини яратиш истиқболлари; машина-трактор агрегатларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг замонавий йўналишлари бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларининг билим, кўникма ва компетенцияларини ошириш.

### **Модулининг вазифалари:**

- Республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдаги асосий муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари;
- қишлоқ хўжалиги техникалардан самарали фойдаланиш истиқболлари;
- мобил энергия воситалари ва қишлоқ хўжалиги машиналарига кўйиладиган агротехник талаблар;
- машина ва мобил энергия воситаларини танлаш шартлари ва баҳолаш тартиб-қоидалари;
- техникаларини бошқаришда “Инсон-машина-муҳит” тизими;
- техникаларни бевосита ва масофадан туриб бошқариш тизимлари, усуслари ва истиқболлари;
- қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасини модернизациялаш йўналишлари;
- агрегатлар иш унумини оширишнинг ташкилий-хўжалик, техникавий, ташкилий-технологик ва социологик захиралари;
- агрегат иш унумини оширишнинг истиқболли йўналишлари, қишлоқ хўжалигига “Аниқ дехқончилик” тизимини қўллаш истиқболлари ҳақида олий таълим муассасалари педагог кадрларининг билим, кўникма ва компетенцияларини ошириш ҳамда мухандислик масалаларини еча оладиган чуқур амалий кўникмаларни ривожлантиришдан иборат.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

Модулни ўқитиши маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари

қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, Кейс-стади лойиҳаси ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги.**

Ушбу фан аввалам бор, мутахассисларни қайта тайёрлашда ўқилган фанларни ўзлаштириш даражасига суюнган ҳолда математик ва табиий, умуниҳтисослик ва ихтисос фанларига, мутахассислик йўналишидаги илмий, амалий ишлаб чиқариш борасидаги чоп этилаётган журнал ва интернет материалларига ҳамда замонавий ахборот ва коммуникацион технологиялари ва дастурлаш каби маълумот ва билим берадиган манбаларга узвий боғлиқ.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Замонавий техникаларни яратилиши ва уларни сон ва сифат жиҳатдан ошиб бориши ўз навбатида улардан унумли ва самарали фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради. Ушбу заруриятни ечими учун агрегатларнинг ишлаб чиқариш шароитига мос келадиган мақбул параметр ва иш режимларини асослаш, маҳсулот этиштириш ва йиғиб олишда ишлатиладиган трактор, ишчи машина ва ёрдамчи жиҳозларни мақсадли таркибини тўғри танлаш ва тузиш ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича тартиб-қоидаларини ўрганиш ва режалаштиришни мукаммал бўлишини талаб қиласди.

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар инновацион техника ва технологияларни танлаш ва етказиб бериш, масофадан туриб бошқариш ҳамда фойдаланиш самарадорлигини ошириш методикасини ўқитиш ва ўрганиш жараёнларини таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			
			Жами	Назарий	Амалий машнулот	Кўчма машхулот
1	2	3	4	5	6	7
1.	Тупроққа асосий ва экиш одидан ишлов бериш инновацион усуллари ва техник воситалари. Ўсимлик уруғларни экиш ва кўчатларини ўтқазиш усуллари ва машиналари.	2	2	2		
2.	Ўсимликларни зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоялаш инновацион усуллари ва машиналари. Класс, Джондир ва бошқа чет давлатлар компаниялари ғалла йиғишириш технологиялари ва комбайнлари.	2	2	2		
3.	Чорвачилик фермалари замонавий технологик жихозлари ва уларнинг қўлланилиши.	2	2	2		
4.	Сут соғишида қўлланиладиган агрегат ва аппаратлар. “Де Лавал” фирмаси соғиши агрегати ва Lely фирмасининг smart соғиши аппарати ва озуқа тарқатиш курилмалари.	2	2	2		
5.	Лемкен фирмасининг плугларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш	2	2		2	
6.	ППАС-4 прецизион универсал пневматик сеялкани ўрганиш	2	2		2	
7.	“Де Лавал” фирмаси соғиши агрегати ва КР-7515 соғиши аппаратини ўрганиш	2	2		2	
8.	Хитойдан келтирилган озуқаларни гранулалаш қурулмасини ўрганиш ва ишлатишга тайёрлаш	2	2		2	

9.	Кучма машғулот	6	6			6
	<b>Жами:</b>	<b>22</b>	<b>22</b>	<b>8</b>	<b>8</b>	<b>6</b>

## НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-мавзу. Тупроққа асосий ва экиш одидан ишлов бериш инновацион усуллари ва техник воситалари. Ўсимлик уруғларни экиш ва кўчатларини ўтқазиш усуллари ва машиналари. (2 соат)**

1.1. Республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдаги асосий муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари.

1.2. Қишлоқ хўжалиги техникалардан самарали фойдаланиш истиқболлари.

**2- мавзу: Ўсимликларни зааркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоялаш инновацион усуллари ва машиналари. Класс, Джондир ва бошқа чет давлатлар компаниялари ғалла йиғишириш технологиялари ва комбайнлари. (2 соат)**

2.1. Мобил энергия воситалари ва қишлоқ хўжалиги машиналарига кўйиладиган агротехник талаблар;

2.2. Машина ва тракторларни танлаш шартлари ва баҳолаш тартиб-коидалари;

**3-мавзу: Чорвачилик фермалари замонавий технологик жихозлари ва уларнинг қўлланилиши. (2 соат)**

3.1. Техникаларини бошқаришда “Инсон-машина-муҳит” тизими;

3.2. Техникаларни бевосита ва масофадан туриб бошқариш тизимлари, усуллари ва истиқболлари.

**4-мавзу: Сут соғишида қўлланиладиган агрегат ва аппаратлар. “Де Лавал” фирмаси соғиши агрегати ва Lely фирмасининг smart соғиши аппарати ва озуқа тарқатиш қурилмалари. (2 соат)**

4.1 Агрегат иш унумини оширишнинг истиқболли йўналишлари, қишлоқ хўжалигига “Аниқ дэҳқончилик” тизимини қўллаш истиқболлари

## АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-амалий машғулот.** Лемкен фирмасининг плугларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш (2 соат).

**2-амалий машғулот.** ППАС-4 прецизион универсал пневматик сеялкани ўрганиш (2 соат).

**3-амалий машғулот.** “Де Лавал” фирмаси соғиши агрегати ва КР-7515 соғиши аппаратини ўрганиш (2 соат).

**4-амалий машғулот.** Хитойдан келтирилган озуқаларни гранулалаш

курулмасини ўрганиш ва ишлатишга тайёрлаш (2 соат)

## **КҮЧМА МАШГУЛОТ МАЗМУНИ (6 соат)**

Күчма машғулот олдиндан тузилган шартнома асосида Республика фермерлари ва бошқа корхоналарига янги, замонавий чет давлатлар компанияларининг қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликга оид техникаларни етказиб бериш, монтаж қилиш ва техник сервис хизматларини кўрсатиш билан шуғулланадиган “SN INVEST”, “AGROTISHXOLDING”, “INNTRA AGRAR” компанияларининг бирига ташкил қилинади. Тингловчилар ушбу компания етакчи мутахассислари томонидан янги техникалар билан танишадилар, техникалар катологи, проспектларидан оладилар, ўзлари қизиқаётган техникалар олдида расмга тушадилар ва натижада Республикага кириб келаётган янги, замонавий техникаларга оид билимлар шаклланади.

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

### **“Хулосалаш” (Резюме) методи.**

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммони ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади.

Методни амалга ошириш тартиби:



**Тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик групчаларга ажратади;**



**Тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир групчага умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари тақдим этилади тусирилган тарқатма материалларни тарқатади;**



**Ҳар бир груп үзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, үз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;**



**Навбатдаги босқичда барча групчалар үз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштириллади, зарурий ахборотлр билан тўлдириллади ва мавзу якунланади.**

Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади.

“Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурӯҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### **«Ақлий ҳужум» методи.**



«Ақлий ҳужум» бирор муаммони ечишда гуруҳ қатнашчилари томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган энг самарали методдир. Бу метод орқали шахсни техник ривожлантириш мумкин. У тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади

«Ақлий ҳужум» методини принципи жуда содда:

- Сиз бир гуруҳ иштирокчиларни тўплайсиз, ҳамда улар олдига бирор муаммоли вазиятни ечиш бўйича ўз ечимларини (фикр, мулоҳаза) билдиришларини сурайсиз. Мазкур этапда иштирокчилардан хеч бири бошқа қатнашувчиларни ғояси, фикрини мухокама қилиши ёки баҳолаши мумкин эмас.

«Ақлий ҳужум» методини қўлашдаги асосий қоидалар:

1. Билдирилган ғоя ва фикрлар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.
2. Билдирилган ҳар қандай ғоя ва фикрлар, улар ҳатто бўлмағур бўлса ҳам, хисобга олинади.
3. Қанча кўп ғоя ва фикрлар билдирилса шунча яхши.
4. Билдирилган ғоя ва фикрларни тўлдириш ва янада кенгайтириш
5. Ғоя ва фикрларни билдириш учун вақт аниқ белгиланади.

### «Мунозара» методи



### «Мунозара”ни ўтказиш методи

1. Етакчи мунозара мавзусини танлайди ва қатнашувчиларни таклиф этади.
2. Етакчи қатнашувчиларга муаммо бўйича «Ақлий ҳужум» масаласини беради ва уни ўтказиш тартибини бегилайди.
3. Етакчи « Ақлий ҳужум » вақтида билдирилган ғоя ва фикрларни ёзиб бориш учун котиб тайинлади. Бу босқичда етакчи груп қатнашчиларининг ҳар бир аъзоси ўз фикрини билдиришга шароит яратиб беради.
4. Етакчи иккинчи босқичга ўтишдан аввал қисқа танаффус эълон қиласи, Иккинчи босқичда « Ақлий ҳужум » қатнашчилари билдирилган фикр ва ғояларни гурухлаштирилиб, уларни тахлил қилишга ўтилади.

Тахлил орқали қўйилган вазифанинг энг мақбул ечимини топишга ҳаракат қилинади.

### III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

**1-мавзу:** Тупроққа асосий ва экиш одидан ишлов бериш инновацион усуллари ва техник воситалари. Ўсимлик уруғларни экиш ва кўчатларини ўтқазиш усуллари ва машиналари. (2 соат).

- 1.3. Республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдаги асосий муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари.
- 1.4. Қишлоқ хўжалиги техникалардан самарали фойдаланиш истиқболлари.

**Таянч иборалар:** озиқ – овқат хавфсизлиги, маҳсулот етиштиришнинг интенсив, экспрессив ва саноат усуллари, механизациялаши даражаси, техник тизимлар самарадорлигини ошириши истиқболлари.

#### 1.1. Республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдаги асосий муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари

Бугунги кунда дунё бўйича 886,9 млн. гектар майдонларда тупроққа ишлов берилиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади. Унинг 43,8 фоиз қисмида янги русурстежамкор, минимал ва нол технологиялари ҳамда уларни амалга оширадиган техника воситалари жорий этилган. Ушбу замонавий технологиилар 118 млн. гектар майдонларда тупроқнинг унумдорлигини саклаш билан бир вақтда етиштирилаётган маҳсулот таннархини ўртacha 25 фоизга камайтириш имконини беради<sup>1</sup>.

Шунга қарамасдан ҳозирги кунда **21-асрнинг ЭНГ катта муаммоси-бутун жаҳонда озиқ – овқат инқирози муаммоси вужудга келди** ва у ҳалигача давом этмоқда.

Муаммонинг асосий сабаблари:

- 1) Жаҳонда 1970 йили 3,5 млрд. аҳоли яшаган бўлса, ҳозирда бу кўрсатгич 7,5 млрд.дан ошиб кетди. Бу кўрсатгич 2050 йилга бориб 10 млрд. га етиши кутилмоқда.
- 2) 1960 йилда табиий унумдор ерлар 100% ни ва озиқ-овқатга бўлган талаб 80% ни ташкил этган бўлса, 2060 йилга бориб тупроқ унумдорлиги пасайиб, унумдор тупроқлар 25% ни ташкил этиши, озиқ-овқатга талаб эса 160% бўлиши кутилмоқда.

<sup>1</sup>[Htts // www.Zerno-ua.com/journals](http://www.Zerno-ua.com/journals), 2010; 21-бет

Ўзбекистандада 1970 йилларда 16 млн аҳоли бўлган бўлса, ҳозир  
млн.дан ошди, 2050 йилга 50 млн. бўлиши кутилмоқда.

32

3) Ерни ҳар йили қайта – қайта ҳайдалиши, тупроқни зичланиши, бактерияларни кўплаб нобуд бўлиши, тупроқ эрозияси (ҳар йили ер шари бўйича мавжуд унумдор тупроқларнинг 1% шамол ва сув эрозиясига учрамоқда), тупроқни қўшимча органик ва минерал ўғитлар билан бўйитилмаганлиги, қисқаси “ерни териси шилиниб олинаётганлиги” ҳисобланади. Бу ҳолат барча экинлар бўйича тупроқ унумдорлигини пасайиб боришига олиб келмоқда (1.1-расм)<sup>2</sup>.



**1.1-расм. Озиқ – овқатга бўлган талаб ва тупроқ ҳосилдорлигининг ўзгариши**

Мамлакатимизда озиқ-овқат инқирозининг таъсирини камайтириш учун қўйидаги ишлар қилинмоқда:

- фуқораларга 600 минг гектардан ортиқ томорқалар берилди, 1200 минг гектар пахта майдонини фаллага алмаштирилди;
- пахта майдонини йилдан-йилга камайтириш ва мева-сабзавотлар ишлаб чиқаришни кўпайтирилишига эътибор қаратилди;
- чет элга кўплаб маҳсулотларни экспорт қилиш йўлга қўйилди;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тўлиқ интенсив усулга ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.
- замонавий иссиқхоналар ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилди. (Президентмизни ҳар бир вилоят, шаҳар ва қишлоққа боришида ҳар бир хонадонда иссиқхона ташкил этиш ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш

<sup>2</sup>ЕРЭНЕРГИЯБИОХИЛМАХИЛИК Ахборот бюллетени, №6, 01.12.2015 3-бет/ WWW.SGP.UZ

бўйича маслаҳатлари. Япония, Жанубий Кореяда иссиқхоналарда этиштирилган экинлар ҳосилдорлигини 30-40 баробарга оширилиши ва x.).

### **Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги асосий муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари:**

1. Далаларни бегона ўт босганлиги, минерал ва органик ўғитларни 50% дан кўпроғи бегона ўтлар томонидан ўзлаштирилиши (далаларни бегона ўтлардан тозалаш);
2. Тупроқнининг зичланишини ортиб кетганлиги (нол технологияни қўллаш - ерга ишлов беришни камайтириш);
3. Сув танқислиги (замонавий суғориш усуллари: томчилатиб суғориш ва бошқалар усулларни қўллаш);
4. Қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш даражасини пастлиги (ишлаб чиқариш жараёнида машина – трактор агрегатларидан техникавий фойдаланиш даражасини ошириш) каби муаммолар

Қишлоқ хўжалиги жараёнларида механизациялашнинг жорий этилиши дехқончилик тизимиning ҳар томонлама ривожланишига асос бўлади. Фермерлар учун энг катта муаммолар экинларни мавсумий экиш, ҳосилни ўриб-йифиб олиш ва уларга дастлабки ишлов бериш ҳамда сақлаш жараёнларини ўз вақтида бажарилмаган ҳолларида юз беради.


**Айниқса, шуни эсда тутиш керакки, “Агар қишлоқ хўжалигига қайсиdir жараённи бажаришга кечикиш, бу барча жараённи бажаришга кечикиш демакдир” (Като, Милоддан аввалги 2-аср)<sup>3</sup>.**

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш - **эксинтенсив, интенсив ва индустрнал (саноат)** асосида ривожлантириш йўналишларда олиб борилади: эксинтенсив йўналишда маҳсулотлар миқдори экин майдонларини кенгайтириш; интенсив йўналишда маҳсулотлар миқдори экинлар ҳосилдорлигини ошириш; қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини индустрнал (саноат) асосида ривожлантиришни амалга оширилади.

**Эксинтенсив технологияда** имкониятлардан келиб чиқсан ҳолда янги майдонларни ўзлаштириш, мелиоратив ишларни сифатли ташкил этиш, мавжуд далаларни ҳар бир қаричидан, яъни ерлардан тўлиқ фойдаланиш каби тадбирлар амалга оширилади (1.2-расм).

---

<sup>3</sup>S.C.Panda. “Post Harvest Technology and Farm Mtchanization”. India, 2013. 158-бет



### 1.2-расм. Экин майдонларидан тўлиқ фойдаланиш

**Интенсив технологияда** замонавий илгор (инновацион) технологияларни жорий этиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосилли, сувсизликка ва шўрга чидамли навларини экиш, ўсимликлар ривожланишини тезлаштирувчи, ҳосилдорлигини оширувчи биологик ҳамда кимёвий дорилардан фойдаланиш ва бошқа тадбирлар қўлланилади ( 1.3-расм).



а)

б)

### 1.3-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини интенсив усулда етишириш: а- интенсив мевали боғлар яратиш; б- пахтани ҳосилдор навларини қўллаш

**Индустрисал (саноат) ривожланиш** йўлида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини оширишда маҳсулот ишлаб чиқаришини саноат асосига ўтказишида бажарилиши шарт бўлган жараёнларни қўллаш талаб этилади (1.4-расм).

Бунда, айниқса ёпиқ ерда (иссиқхоналарда) цитрус ва сабзавот экинларини етишириш қишлоқ хўжалиги экинларини саноат усулида етиширишга яқинлашади ва бу усул келажакда асосий йўналиш бўлиб қолади.



**1.4-расм. Иссиқхоналарда йил давомида сабзавотлар етиштириш**

Қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар етиштириш бир қатор ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга боғлиқ. Бу жараёнлар ва ишларни белгиланган талаблар асосида ташкил этилиши етиштирилаётган маҳсулотнинг сифатига ва таннархига бевосита таъсир кўрсатади.

Ҳозирги кунда мамлактимизда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда бажариладиган ишларни механизациялаш даражаси анча паст бўлиб, **бу кўрсатгич пахтачиликда 70-75%, ғаллачиликда 85-90%, ем-хашак тайёрлашда 80-85%, сабзавот-полизчиликда 70-75%, боғ ва узумчиликда эса 50-55% ни ташкил этмоқда.** Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда қўлланиладиган агротехник тадбирларнинг кўпчилиги механизациялаштирилган. Аммо, экинларнинг химоя зonasида бегона ўтларни ўтоқ қилиш, гўза ниҳолларини яганалаш, ҳосилни йиғиштириб олиш ва бошқа кўпгина ишлар ҳамда асосий ишларни бажаришда қўлланиладиган ёрдамчи ишлар, масалан, сеялкаларга уруғ солиш ва бошқа ишлар ҳалигача тўлиқ механизациялаштирилмаган.

## **1.2. Қишлоқ хўжалиги техникалардан самарали фойдаланиш истиқболлари.**

Республикамиз мустақилликка эришган биринчи кундан бошлаб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини энг замонавий, мукаммал қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш учун хорижий давлатларнинг илғор фирмалари билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги техникаларини мамлакатимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга давлатимиз томонидан фермер хўжаликларига техникалардан фойдаланишнинг янги йўналишларини яратиб берилганлиги, яъни, ўзининг шахсий техникасидан ҳамда бошқа корхона ва ташкилотларнинг техникаларидан шартнома асосида ёки ижарага олиб фойдаланиш имкониялари борлигини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Техникалардан фойдаланища аввало уларнинг фойдаланиш кўрсатгичларини яхшилаш ҳисобига иш унумини оширишнинг энг замонавий усууллардан фойдаланиш ҳамда бажариладиган ишларнинг ташкил этишнинг

янги тартиб ва қоидаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиниши талаб этилади.

Мамлакатимизда агросаноатдаги техник тизимлар: қишлоқ хўжалиги техникаларини яратиш, ишлаб чиқиш, етказиб бериш, техник хизмат кўрсатиш ва фойдаланиш тизимларининг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимизнинг 2012 йил 21 майдаги “2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуроллантириш дастури тўғрисида”ги ПҚ-1758-сонли қарорига кўра мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш ва техникалардан самарали фойдаланиш истиқболлари белгилаб берилган бўлиб, бу йўналишлар қўйидагилардан иборат:

- машина-трактор паркларини сифатли қишлоқ хўжалиги машиналари билан қайта жиҳозлаш;

- қуввати, иш унуми, ёқилғи сарфи ва бошқа кўрсатгичлари замонавий стандартларга мос келадиган янги турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;

- қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарини модернизациялаш ва технивий қайта жиҳозлаш;

- қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш тизимини такомиллаштириш;

- сервис хизмати тизимининг сифатини ошириш ва кенгайтириш;

- фермер хўжаликлари, машина-трактор парклари ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарига етук мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини доимо ошириб боришдан иборат.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Президентимизнинг 2017 йил 24 майдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳалари учун мухандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3003-сонли қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорнинг асосий вазифаси фермер хўжаликлари, машина-трактор парклари ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарига етук мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини доимо ошириб боришдан иборат.

Кўйилган вазифаларни белгиланган муддатларда амалга оширилиши келажакда мамлакатимиз аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

### **Назорат саволлари:**

1. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш қандай дехқончилик шароитида амалга оширилади?
2. Маҳсулот етиштиришнинг интенсив, эксинтенсив ва индустрисал (саноат) усуларининг моҳиятини тушунтиринг.
3. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаштиришнинг асосий мақсади нимадан иборат?
4. Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда бажариладиган ишларни механизациялаш даражаси деганда нимани тушинасиз?
5. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш ва техникардан самарали фойдаланиш истиқболларини айтинг.
6. Ҳозирги кунда мамлакатимизда пахта ва ғалла экинларини етиштиришда бажариладиган ишларни механизациялаш даражаси қанчани ташкил этади?
7. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги асосий муаммолар нималардан иборат ва уларни бартараф этиш йўлларини айтинг.
8. Мамлакатимизда озиқ-овқат инқизозини камайтириш учун нима ишлар қилинган ва ҳозирда қандай ишлар олиб борилиоқда?
9. Етиштирилладиган маҳсулотлар ҳосилдорлигини оширишда техник тизимларнинг аҳамиятини айтинг.
10. Етиштирилладиган маҳсулотларни ҳосилдорлигини оширишда техникарни замонавий-инновацион бошқариш тизимларини моҳиятини тушунтиринг.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Игамбердиев А., Аликулов С. “Тракторлар ва қишлоқ хўжалиги техникаридан фойдаланиш, техник сервис”. Т., 2020 – 230 б. (ўкув кўлланма)
2. Hunt D. “Farm Power and Machinery Management”, USA, 2016.-360 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 12 майдаги “2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуроллантириш дастури тўғрисида”ги ПҚ-1758-сонли қарори. Т.,2012.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳалари учун мухандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3003-сонли қарори. Т., 2017.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли фармони Т. 2022.

**Қўшимча адабиётлар:**

1. Htths // www.Zerno-ua.com/journals, 2010; 21-бет
2. ЕРЭНЕРГИЯБИОХИЛМАХИЛНИК Ахборот бүллэти, №6, 01.12.2015. [WWW.SGP.UZ](http://WWW.SGP.UZ). 30-бет.
3. Krombhols/Bertram/Wandel. “Land-technik”. Germany, 2008.

**2- мавзу: Үсімлікларни зааркундалар, касалліклар ва бегона үтлардан ҳимоялаш инновацион усуллари ва машиналари. Класс, Джондир ва бошқа чет давлатлар компаниялари ғалла йиғишириш технологиялари ва комбайнлари. (2 соат)**

- 2.1. Мобил энергия воситалари ва қишлоқ хұжалиги машиналариға қўйиладиган агротехник талаблар;
- 2.2. Машина ва тракторларни танлаш шартлари ва баҳолаш тартиб-көидалари;

**Таянч иборалар:** агротехник талаблар, шатаксираш, йўл тирқиши, агротехник тирқиши, ҳимоя зонаси, колея кенглиги, тезлик чегараси, танлаш шартлари, танлаш тартиблари


### **2.1. Мобил энергия воситалари ва қишлоқ хұжалиги машиналариға қўйиладиган агротехник талаблар**

**Мобил энергия воситалари (тракторлар)га қўйиладиган агротехник талаблар.**

Олиб борилган кўп йиллик илмий-тадқиқот ишлари натижасида тракторларга агротехник талабларнинг қўйидаги меъёрий кўрсатгичлари рухсат этилади.

**Энергетик воситаларни шатаксираши.**

Маълумки, трактор ғилдиракларини шатаксираши (2.1-расм) харакат тезлигини камайиши ҳисобига агрегат иш унумини пасайтиради.



**2.1-расм. Трактор ғилдиракларини шатаксираш жараёни**

Шатаксириш миқдори занжирли тракторлар учун 3 %, ғилдиракли 4x4 схемали умумий ишларни бажарувчи тракторлар учун 10%,

**ғилдиракли универсал-чопиқ тракторлари учун – 4x4 схемали 12%, 4x2 ва 3x2 схемали 18% дан ошмаслиги керак.**

Тракторларнинг тортиш хусусиятларини ошириш учун ғилдиракли тракторларда паст босимли, нақшлари икки томонга йўналтирилган шиналар ишлатилади.

Янги конструкциядаги тракторларда етакчи ғилдиракларга қўшимча оғирлик берувчи маҳсус қурилмалар - механик ва гидравлик вазминлаштиргичлар қўлланилади.


Тракторнинг тортиш кучини етакчи ғилдираклар сонини кўпайтириб, сирпантирмайдиган занжирлар кийгизиб, олинма ўрмаловчи занжирли ғилдираклар ва яримзанжирли олинма қурилмаларни, маҳсус шаклдаги нақшли шиналарни, маҳсус тупроқ илгичларни, кенг тўғинли ғилдиракларни ва кенг ўрмаловчи занжирларни қўлланиб ҳам ошириш мумкин бўлади.

Бундан ташқари трактор колеясини ўзгартириш, тиркамалар (прицеп) ғилдиракларига қўшимча харакат бериш, қурама (аралаш) агрегатлар қўллаш, трактор олд қисмiga қўшимча юклар ўрнатиш каби усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Бу талабларни бажарилиши меъёрий кўрсатгичларни ҳақиқий кўрсатгичларга қиёсий солиштириш орқали текширилади.

### **Трактор юриш қисмини тупроққа босими.**

Тупроқнинг зичланишига қўйидаги омиллар, яъни, табиатан зичланишга мойил тупроқлар (масалан, соз тупроқ), меъёрдан ошиқча намлик, тупроққа доимо бир хил чуқурликда ишлов бериш, трактор ва иш машиналарининг юриш қисмини тупроққа босими (2.2-расм) киради.



**2.2-расм. Трактор юриш қисмини тупроққа босими**

**Юриш қисмини тупроққа ўртача нисбий босими занжирли**


**тракторлар учун 45 кПа ва ғилдиракли тракторлар учун 80-110 кПа гача бўлиши рухсат этилади.**

**Тупроқ зичланишини камайтириш бўйича чора-тадбирлар:**

1. Тупроқнинг зичланиши асосан техникаларни даладаги харакати билан боғлиқ бўлганлиги учун иложи борича далага кам ва тежамли кириш, қурама агрегатлар билан ўтказиш;
2. Тупроқнинг қайта зичланишининг 80% техникани экишдан олдин биринчи ўтишида ҳосил бўлишини ҳисобга олиб, экишдан олдин тупроққа ишлов бериш ишларини мумкин қадар енгил тракторлар билан бажариш;
3. Ғилдиракли тракторнинг орқа ғилдиракларидан кейин маҳсус из юмшатгичлар ўрнатиш ва изларни 30 см чуқурликда юмшатиш керак.
4. Тупроққа экишдан олдин ишлов беришда унинг намлилик даражаси ва трактор шинасининг протектор-ларини ҳолатига алоҳида эътибор қаратиш керак.

**Тракторнинг йўл ва агротехник тирқишлини агротехник талаблари.**

Трактор олдинги ёки кетинги (2.3-расм) кўпригининг энг пастки нуқтасидан ер юзасигача бўлган масофа йўл тирқиши ( $h$ ) ва ўсимлик ўсиб турган жойидаги масофа агротехник тирқиши ( $h_a$ ) бўлади.



**2.3-расм. Тракторнинг йўл ва агротехник тирқишлиари**

Тракторнинг йўл тирқиши умумий ишларни бажарадиган тракторлар учун 300-400 мм, универсал чопик тракторлари учун (орқа қўприк ости) 400 мм дан кам бўлмаслиги керак.

**Тракторнинг агротехник тирқиши** паст бўйли (картошка, лавлаги ва

б.) экинлар учун 400-550 мм, баланд бўйли (маккажўхори, кунгабоқар ва б.) экинлар учун 650-700 мм, махсус экинлар учун (пахта, чой ва б.) – 800-1000 мм ва ўта баланд экинлар учун 1000 мм дан юқори бўлиши мумкин.

Тракторнинг орқа ва олдинги ғилдираклари ўртасидаги оралиқ (2.3-расм) тракторнинг колеяси ( $L_k$ ) ва ўсимлик қаторидан ғилдирак шинасигача оралиқ (X) ҳимоя масофасини белгилайди. Бу ўлчамларнинг аҳамияти шундан иборатки, қишлоқ хўжалиги экинларининг қатор орасини кенглиги турлича бўлишини ҳисобга олган ҳолда уларга мос ҳолда ғилдиракларинг колеяси ўзгартирилади.

Ўсимликлар қатор орасига ишлов берилганда ҳимоя зонаси кенглиги (X) 12-15 см дан кам бўлмаслиги керак.

Колея кенглиги умумий ишларни бажарадиган ғилдиракли тракторлар учун 1680-1860 мм ва занжирли тракторлар учун 1330-1430 мм, универсал чопик тракторлари учун 1400-2100 мм ва 2800 мм гача ростлаш тавсия этилади.

### **Қишлоқ хўжалиги машиналарига қўйиладиган агротехник талаблар.**

Ҳар бир технологик жараён учун агротехник талаблар ишлаб чиқилади. Агротехник талабларни ишлаб чиқишида асосий мезон энг кам меҳнат ва пул маблағлари сарфлаб, энг кўп қишлоқ хўжалиги маҳсулотини олишдан иборат.

Агротехник талаблар технологик кўрсаткичлар кўринишида шакллантирилади ва қишлоқ хўжалиги ишларининг таъминланиши шарт бўлган сифат меъёрларидан иборат бўлади.

### **Қишлоқ хўжалиги ишларининг сифат кўрсаткичлари уч гурухга бўлинган.**

**Биринчи гурухга ишларнинг бажарилиш муддати ва ишларнинг давомийлиги** киради. Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги ишларнинг бажарилиш муддатларига анча боғлиқ. Бу қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хислатларидан биридир. Дала ишлари энг яхши вақтда ва қисқа муддатда бажарилганда майдон бирлигидан энг кўп ҳосил олинади.

**Иккинчи гурухга** технологик жараённи бевосита тавсифловчи кўрсаткичлар, жумладан, ишлов бериш натижасида материал хоссасининг ўзариши (ишлов бериш чуқурлиги, майдалаш, ағдариш, юмшатиш даражаси, пояларни қирқиши баландлиги, бегона ўтларнинг тўлиқ йўқотилиши, маҳсулотнинг аралашмалар билан ифлосланиши ва ҳоказолар) киради.

**Учинчи гурухга** материал сарфини, шунингдек маҳсулотнинг миқдор ва сифат йўқотишларини тавсифловчи кўрсаткичлар киради. Буларга уруғ сарфи, кимёвий моддалар сарфи, донларнинг майдаланиш даражаси ва бошқалар

киради.

**Қишлоқ хўжалиги ишларининг сифат ва технологик кўрсаткичлари** ишлов бериладиган материалларнинг хоссаларига, қўлланиладиган машиналар тури ва конструкциясига, ишларни бажариш шароитларига қараб ўзгариши мумкин. Вазифа шундан иборатки, узлуксиз ўзгарувчи иш шароитларида сифат кўрсаткичлари агротехник талабларда белгиланганларга мумкин қадар яқинлашиши лозим.

**Қишлоқ хўжалиги ишларининг сифатига таъсир этувчи омиллар** уч гурухга бирлаштириш мумкин.

**Биринчидан** ишнинг ташқи шароитлари: тупроқнинг физик-механикавий хоссалари, намлиги, дала бетининг ҳолати, жойларнинг баланд-пастлиги, ифлослиги киради.

**Иккинчидан** машиналарнинг техник ҳолати билан боғлик бўлган кўрсаткичлар киради. Буларга машина ишчи қисмларининг ҳолати (шакли, ўлчамлари, сиртининг физик-механикавий хоссалари, ишчи органлар тигларининг ўткирлиги, машиналарнинг ўрнатилиши ва ростланиши, техник пухталиги) киради.

**Учинчидан** агрегатнинг ҳаракат тезлиги, усули, тўғри чизиқлилиги ва текис ҳаракатланиши, келтириладиган материаллар билан таъминланишига боғлик бўлган омиллар киради.

## **2.2. Машина ва тракторларни танлаш шартлари ва баҳолаш тартиб-қоидалари**

**Машиналарни танлаш кўрсатгичларига** унинг қуйидаги: машиналарни йил давомида ишлатиш; машинани ишлов бериладиган материалларга, айниқса тупроққа салбий таъсирини минимумга камайтириш; танланган машинани қўллашдан энг кўп иқтисодий самара олиш имкониятлари киради.

**Машинани йил давомида ишлатиш имконияти.** Бу машиналар сонини қисқартириш, металл сарфи, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш, техник хизмат кўрсатиш ва сақлаш харажатларини камайтириш ва механизатор кадрлардан яхшироқ фойдаланишга имконини беради.

**Машинани ишлов бериладиган материалларга салбий таъсирини камайтириш имконияти.** Бу тупроқ структурасини бузилишини пасайтириш, сув ва шамол эрозиясини камайтириш ҳамда йиғишириб олинган маҳсулотларни сифатли бўлишига ижобий таъсир кўрсатади.

**Машинадан энг кўп иқтисодий самара олиш имконияти.** Бу машинани қўллашда шундай мақбул ечимни топиш керакки, бунда фермер хўжалигини шароити учун қабул қилинадиган варианtlарнинг энг яхшисини

олиш керак.

**Машинани баҳолаш усуллари.** Танланган машина қуидаги усулларда: минимум тұғридан-тұғри пул харажатлари; минимум меңнат ва энергия сарфлари; максимум иш унуми; технологик ишни бажариш энг қиска муддати бүйича баҳоланади.

Машинани баҳолашда кенг тарқалған усул - бу минимум пул харажатлари усули ҳисобланади.

### **Машинани баҳолаш күрсатгичлари.**

Мавжуд ва қабул қилинған машинанинг қуидаги баҳолаш күрсатгичлари аниқланади: меңнат сарфини камайиши (%); меңнат унумдорлигини ўсиши (%); харажатларни камайиши (%); йиллик иқтисодий самара (сүм)

**Тракторларни танлашга қўйиладиган талаблар.** Танланган энергия воситаси (трактор): қуввати ва тортиш хоссалари бүйича мазкур минтақа ёки фермер хўжалиги шароитидаги ишларнинг тўлиқ бажарилишини; агрегатларнинг мазкур шароитларда юқори иш унуми ва энг кам фойдаланиш харажатлари билан ишлатилишини; барча қишлоқ хўжалик мавсумлари даврида мумкин қадар ундан тўлиқ фойдаланишни таъминлаши керак.

### **Махсус тракторларнинг ўзига хос күрсатгичлари.**

1. Ўсимлик қатор орасига ишлов беришда - агротирқиши баланд, ғилдирак шинаси ва занжир лентаси кенг;
2. Боғдорчилик ва узумчиликда - бўйи паст ва эни қисқа;
3. Шолиҷиликда - юриш қисмини эни кенг;
4. Тоғ олди ва тоғ минтақаларда – агротирқиши паст ва эни каттароқ ;
5. Иссиқхоналарда - мини тракторлар бўлиши улардан фойдаланишда юқори самара беради.

**Тракторнинг энергетик күрсатгичлари.** Тракторнинг энергетик күрсатгичларига илгақдаги тортиш кучи ва фойдали иш бажаришга - қишлоқ хўжалик машинасини тортиш қаршилиги ва унинг ишчи қисмларини харакатланишига сарфланадиган қуввати киради.

**Тракторнинг танлаш сифатини баҳолаш.** Танланган тракторни баҳолашнинг қуидаги: максимум тортиш кучи ва қувватдан фойдаланиш; максимум йиллик иш ҳажми; минимум тұғридан-тұғри пул харажатлари каби турлари мавжуд. Танланган тракторни баҳолашда кенг тарқалған кўрсатгич бу – унинг тортиш кучи ва қувватдан максимум фойдаланиш ҳисобланади.

Инновацион техника ва технологияларни танлаш ва ишлаб чиқаришга жорий этишнинг асосий тартиб- қоидалари 2.1-жадвалда келтирилган.

**Қишлоқ хўжалигига инновацион технология, техника ва ишланмаларни танлаш тартиб-қоидалари**

Т/р	Танлаш тартиблари	Асосий хоссалари, хусусиятлари, қўрсатгичлари
1	Кластер корхонаси, фермер хўжалигининг жойлашган ўрни	Тоғли, тоғ олди, текислик, чўл минтақалари
2	Тупроқ шароити	Соз, бўз, қумлоқ, тошлоқ, шўр, ботқоқ ва бошқалар
3	Иқлим шароити	Ҳаво ҳарорати, намлиги, ёғингарчилиги, чанглиги ва бошқалар
4	Қишлоқ хўжалик соҳаси	Чорвачилик, ўрмончилик ва бошқалар
5	Деҳқончилик усуллари	Лалми, сугорма, иссиқхона, гидрофон, сув ости ва бошқалар
6	Суғориш усуллари	Ёппасига, қаторлаб, томчилаб, ёмғирлатиб, ер остидан ва бошқалар
7	Экинлар тури	Пахта, бошоқли дон, маккажўхори, шоли ва бошқалар
8	Ўсимликлар хусусиятлари	Баландлиги, қатор ораси, ҳосилдорлиги, шўрга ва сувсизликка чидамлиги ва бошқалар
9	Етиштириладиган экинлар ҳосилининг хоссалари	Ўлчами, оғирлиги, қаттиқлиги, зичлиги, учувчанилиги ва бошқалар
10	Иш жараёнини бажарилишига қўйиладиган талаблар	Агротехник, техник, фойдаланиш, иқтисодий ва бошқалар
11	Жараённинг бажаришдаги муаммоларни аниқлаш	- моддий, иқтисодий, техникавий харажатлар; ишнинг бажариш муддатини қисқалиги; ишчи кучининг қўплиги; иш сафатини пастлиги
12	Интернет орқали ушбу муаммоларни ҳал этиш бўйича инновацион ғоя, технология, техника ва ишланмаларни танлаш	Ўзбекистон шароитида кўллашдаги афзалликлари
13	Ўзбекистон шароитида синовдан ўтказиш	Ўзбекистон техникаларни синаш ва сертификациялаш станциясида синовдан ўтказиш ва сертификат олиш

**Мавзу бўйича такрорлаш учун саволлар:**

1. Харакатланувчи энергетик воситаларга қўйиладиган агротехник талабларни нималардан иборат?
2. Тракторни шатаксираши деганда нимани тушунасиз? Унинг қийматларининг айтинг.
3. Трактор юриш қисмини тупроққа босими қандай аниқланади? Қайси турдаги тракторларда бу кўрсатгич энг паст бўлади?
4. Тракторнинг йўл ва агротехник тирқишлигининг фарқини айтинг.
5. Ўсимликларни ҳимоя зонасини моҳиятири тушунтиринг.
6. Тракторнинг агротехник тезлиги чегарасининг моҳиятини айтинг.
7. Тракторнинг тортиш хусусиятларини яхшилаш учун қандай чоратадбирларни қўллаш мумкин?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Игамбердиев А., Аликулов С. “Тракторлар ва қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш, техник сервис”. Т., 2020 – 230 б
2. Hunt D. “Farm Power and Machinery Management”, USA, 2016.-360 б.
3. S.C.Panda.“Post Harvest Technology and Farm Mtchanization”.India, 2013.
4. Krombhols/Bertram/Wandel. “Land-technik”. Germany, 2008.

### **3-мавзу: Чорвачилик фермалари замонавий технологик жихозлари ва уларнинг қўлланилиши. (2 соат)**

- 3.1. Техникаларини бошқаришда “Инсон-машина-муҳит” тизими;
- 3.2. Техникаларни бевосита ва масофадан туриб бошқариш тизимлари, усуллари ва истиқболлари.

**Таянч иборалар:** эргономик кўрсатгичлар, техникаларни бошқарии воситалари, масофадан туриб бошқарши усуллари ва истиқболлари

#### **3.1. Техникаларини бошқаришда “Инсон-машина-муҳит” тизими**

Қишлоқ хўжалиги техникаларининг эргономик кўрсатгичларига меҳнатни санитар-физиологик шароитлари, техник ва технологик хизматлар кўрсатишга қулайлиги, меҳнат ҳавфсизлиги, эстетик шароитлар киради.

Техникани бошқарувчи операторни фаолияти даврида машинанинг барча тавсифларини таъминлайдиган ва шу билан бир вактда операторнинг

хотираси ва фикрини чарчатмасдан барча ахборотни кабул килиш хамда кайта ишлаш имконини берадиган ахборат моделини яратиш **эргономика** тизимининг асосий вазифаси хисобланади.

Маълумки, операторни меҳнат фаолияти самарали бўлишини ва оператор учун кулагай шароитлар яратилишини таъминлаш маҳсус тизим, яъни, “**инсон-машина-мухит**” тизими яратилиши талаб этилади.

Бу тизимнинг кафолатли фаолиятини таъминловчи беш хил мувофиқлик мавжуд бўлиб, буларга:

**Ахборот мувофиқлиги.** Оператор одатда бевосита физик жараёнларни кўлда бошкармайди, балки у фактагина ўлчаш асбоблари ва жихозларининг кўрсатгичларини кўриши, сигналларни эшлиши ва бу оркали жараённи бошкариб, назорат килиб бориши мумкин. Бу курилмалар ахборотни акс этдирувчи воситалар деб юритилади.

Ахборотни акс этирувчи воситалар ва сенсомотор курулмалар машинанинг ахборот модели деб аталади. Оператор ушбу модель оркали энг мураккаб системаларни хам бошкариши мумкин бўлади.

**Биофизик мувофиқлик.** Биофизик мувофиқлик деганда операторнинг макбул иш кобилиятини ва меъёрий физиологик холатини таъминлайдиган атроф-мухит шароити тушунилади. Шу сабабли, машиналарни ишлаб чиқаришда (лойихалашда) шовкин, титраш, ёритилганлик, хаво муҳити ва шу каби факторларни стандарт бўйича ўрнатиш талаб этилади.

**Техник мувофиқлик** деганда, сарфланадиган куч, кувват, тезлик ва харакат аниклиги нисбатида машинанинг бошкариш органлари билан операторнинг оптималь имкониятларини мос келиши тушунилади.

**Фазовий-антропометрик мувофиқлик** - фаолият даврида, яъни, ишни бажариш вактида операторнинг гавда ўлчамларини, ташки фазовий имкониятларини, ишчининг иш холатидаги гавда жойлашувини хисобга олиш демакдир.

**Техник-эстетик мувофиқлик** - машина ва иш технологиясини техник-эстетик жиҳатдан ишчининг талабини каноатлантиришидир. Инсон машинада иш бажарганда ёки асбоб ва курулмалардан фойдаланилганда ўзида ижобий хиссиятлар хосил килиши, яъни, хар кандай машинанинг ташки кўриниши, шакли, кулагилиги, ранги ва бошка кўрсаткичлари хам иш жараёнига, хам ишчининг хиссиётига мос келиши лозим.


Замонавий тракторларни бошқаришда (3.1-расм) асосий эътибор ҳайдовчи-операторга қулагай шароитлар яратишга қаратилган.

Ҳайдовчи-операторга яратилган шароитларга қуйидагилар киради:

- трактор бошқариш тизимларининг дастаклари ва тутгаларини қулагай ўрнатилганлиги ва ҳайдовчи ўринидиги тебранишни йўқотувчи қурилма

билин жиҳозланганлиги унга юқори даражали қулайлик туғдиради.

- кабина саккиз нұктали амортизация системасига ўрнатилған бўлиб, ҳайдовчига тъисир этадиган тебранишни минимал ҳолатга туширади



### 3.1-расм. Клаас фирмасининг ARES 816 трактори кабинасида бошқарув ва ёрдамчи қурилмаларни жойлашиши.


- кабинани мақбул жойлаштирилганлиги, унинг атрофи кенг кўринишда ойнабанд қилинганлиги, кабина тўсинларини қисқа кенгликда ва мустаҳкам ясалганлиги туфайли теварак атрофни **320°** айланма кўриш ва ўрнатилған ишчи жиҳозларни назорат қилиш имконини беради.

- ҳайдовчи ўринидигини унинг бўйи, гавдасининг тузилишига қараб кўп ҳолатларга ростлаш мумкинлиги уни иш куни давомида толиқмасдан ишлашига имкон яратади.

- кабинага кириш ва чиқишида қулай ушлагичлар, тиргаклар ва зиналарни сирпанишга қарши маҳсус қоплама билан қопланганлиги хавфсизликни таъминлайди.

- тракторга ўрнатилған бошқариш тизимлари ва борт компьютери (3.2-расм) ишлаб чиқариш топширигини кўрсатибгина қолмасдан балки уни бошқариш, маълумотларни киритиш ва ўзгартериш, топшириқ режимини киритиш ва операцияларни сақлаш имконини беради<sup>4</sup>.

<sup>4</sup> Krombhols/Bertram/Wandel. “Land-technik”. Germany, 2008.280-бет.



### **3.2-расм. Техникаларни бошқариш тизимлари ва борт компьютерлари:**

а - оддий гектар хисоблагиch;  
б - Комфорт-Терминал ISO-BUS;  
в - Мюллэр-электроника; г - “John Deere” компанияси тракторини компьютери.

## **3.2. Техникаларни бошқариш воситалари ва уларни ривожлантириш истиқболлари**

Бу эса ишлаб чиқариш топширигини тахлил қилиш жараёнини тезлаштиради ва ҳайдовчи ишини енгиллаштиради, қобилиятини сақлаб қолишга ёрдам беради.

- ўлчов асбоблари доскасига ўрнатилган терминал тизими ёқилғи сарфи, ишлов берилған майдон, ҳосилдорлик, қолған иш вақти каби мухим маълумотлар түғрисида ҳайдовчига тұхтовсиз ахборот беріб туради.

- тракторга кунлик техник хизмат күрсатиши ҳеч қандай асбобларсиз бажарылади. Двигател устидаги катта ёпқич (капот) битта тагмачани босиш хисобига очилади ва двигателга хизмат күрсатыладынан барча жойларға эришиш мүмкін бўлади. Қишлоқ хўжалиги машиналарини бошқаришда оддий, универсал ва қулай усувлар ва замонавий бошқариш тизимлари яратилған бўлиб, улар турли хилдаги машиналарни бошқаришда қўлланилиб келинмоқда.

Операторнинг иш фаолиятини яхшилаш ва унумдорлигини оширишда ҳар бир қишлоқ хўжалиги машинасига алоҳида бошқариш тизимлари (3.3-расм) ўрнатилади.



### 3.3-расм. Қишлоқ хұжалиги машиналарини бошқаришнинг замонавий воситалари

Тракторга ўрнатылған CLAAS CEBUS, CIS, INFOTRAC, DRIVETRONIC, ELECTROPILOT ва бошқа ахборот тизимларини мавжутлиги ҳайдовчининг иш унумини оширишга имкон яратади.

Узокдан туриб бошқариш мобил алоқа тизими (3.5-расм) масофадан туриб техникаларни иш жараёнини ва иш вақтини тахлил қилиш, уларни назорат қилиш, маълумотлар йиғиши, техник хизмат кўрсатиш учун ташхис кўйиш вақтини камайтириш имконини беради<sup>5</sup>.


Бу тизимлар ёрдамчи қурилмалар сифатида асосий тушунчалар ва белгилар бир неча тилларда тушунтириш учун электрон таржимонлар билан таъминланган бўлади.

Хар бир машина ва агрегатнинг бошқариш қулайлигини ошириш учун уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда турли хилдаги ёрдамчи қурилмалар билан тамилланади.

Масалан, Лемкен фирмасининг плугларини бошқариш учун маҳсус джойстлар (3.4-расм) ишлаб чиқилған бўлиб, уларга ёрдамчи қурилма сифатида тракторнинг джойстлари ҳамда ISOBUS блок-тизими ишлатилади<sup>6</sup>.

<sup>5</sup> Krombhols/Bertram/Wandel. “Land-technik”. Germany, 2008.281-бет.

<sup>6</sup> Модельный ряд техники ЛЕМКЕН. LEMKEN GmbH & CO.KG Weseler StraBe 5 46519 Fipen www.lemken.com. 2008. 80-бет.



**3.4-расм. Агрегатларни масофада туриб бошқариш тизими:**  
1-интернет алоқси; 2-мобил алоқа тизими; 3-CLAAS TELEMATICS  
веб-сервери; 4- әхтиёт қисмлар базаси

CCI ISOBUS терминали-бошқариш тизими агрегатларни ҳамда қишлоқ хүжалиги ишлаб чиқаришини бошқаришни бирлашган ҳолда назорат қилиш учун интерфейс – топшириқ назоратчи қурилмалар билан жиҳозланган (3.5-расм) . Бу назоратчи маҳсус – ўзига хос вазифаларни уй компьютердан ёки бошқариш блокидан олинган маълумотларни, масалан, турли далаларга ишлов бериш вазифасии тахлил қилишга имконият яратади.



**3.5-расм. Белгилар ва пиктограмма қурилмаси (а) ва плугни бошқариш учун джойстли CCI ISOBUS терминали (в)**

Шу билан бирга бу бошқариш тизими GSM-модем орқали Интернетдан турли топшириқ ва вазифаларни тахлил қиласди.

CCI бошқарув блоки ёрдамида агрегатнинг муҳим функциялари кўриб

туриш учун қўйилган бир неча видео камералар билан назорат қилиши мумкин. Бу эса ўз навбатида агрегатнинг фойдаланиш мустаҳкамлигини оширади.

CCI бошқарув блоки учун маҳсус навигацион дастур Fielnav (3.6-расм) ишлаб чиқилган бўлиб, унинг ёрдамида агротадбирларни ўтказиш жойини аниқлаш ва у ерга бориш учун қисқа йўлларини ҳайдовчига кўрсатиб туради. Жойнинг координатлари ер участкасини картотекасидан олинади.



**3.6-расм. Машиналарини бошқариш тизимлари ва воситалари**

**Келажакда бу бошқариш блоки-тизими олий ўқув юртлари ва илмий изланишлар муассасалари ҳамда соҳа вазирликларининг бирлашган қишлоқ хўжалиги тармоғига улаш мўлжалланган.**

Бундан кутилган асосий мақсад қишлоқ хўжалик ишлари ва уларни ўтказиш жойлари тўғрисидаги барча маълумотларни бирлашган тармоққа йиғишдан иборат. Масалан, бунга агрегат тўғрисидаги, об-ҳаво, тупроқнинг ҳолати ва бошқа маълумотлардан иборат бўлади.

Бу ахборотлар келгуси қишлоқ хўжалик ишларини ташкил этиш учун асос бўлади. Бу эса ўз навбатида фермерларга олдиндан ишларни бажариш учун керакли тадбирларни келишиб олиш учун хизмат қиласи.

Маълумотлар тармоғи мобил курилмалар, яъни, смартфон, планшет компьютерлар ҳамда агрегатларни бошқариш блоклари орқали олиш имконини беради.

Келажакда фойдали, самарадор энергияли ва жой шароитига мослашган ишлаб чиқариш жараёнларини узоқдан туриб бошқариш имконияти яратилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Машинанинг танлаш кўрсатгичларига нималар киради? Уларнинг моҳиятини тушунтиринг.
2. Тўғри танланган машина ва тракторлар қандай имкониятларни яратади?
3. Машиналарнинг фойдаланиш хусусиятларини белгиловчи кўрсатгичларини айтинг.
4. Техникалардан фойдаланиш шароитининг кўрсатгичларига нималар киради?
5. Махсус тракторларни танлашда эътиборга олинадиган қандай кўрсатгичларни биласиз?
6. Танланган тракторларга қўйиладиган талабларни айтинг.
7. Қишлоқ хўжалиги техникаларининг эргономик кўрсатгичларини айтинг.
8. Эргономик тизим кафолатини таъминловчи мувофиқликларни айтинг.
9. Трактор кабинасида ҳайдовчига қандай қулайликлар яратилиши керак?
10. Агрегатларни масофадан туриб бошқариш деганда нимани тушунасиз? Унинг ривожлантириш истиқболларини айтинг.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Игамбердиев А., Алиқулов С. “Тракторлар ва қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш, техник сервис”. Т., 2020 – 230 б (ўқув кўлланма)
2. Hunt D. “Farm Power and Machinery Management”, USA, 2016.-360 б.

### **Қўшимча адабиётлар:**

3. S.C.Panda.“Post Harvest Technology and Farm Mechanization”.India,
4. Krombhols/Bertram/Wandel. “Land-technik”. Germany, 2008.

#### **4-мавзу: Сут соғишда қўлланиладиган агрегат ва аппаратлар. “Де Лавал” фирмаси соғиши агрегати ва Lely фирмасининг smart соғиши аппарати ва озуқа тарқатиш қурилмалари. (2 соат)**

4.1 Агрегат иш унумини оширишнинг истиқболли йўналишлари, қишлоқ хўжалигидаги “Аниқ дехқончилик” тизимини қўллаш истиқболлари

**Таянч иборалар:** эргономик кўрсатгичлар, техникаларни бошқариши воситалари, масофадан туриб бошқариши усуллари ва истиқболлари

#### **4.1 Агрегат иш унумини оширишнинг истиқболли йўналишлари, қишлоқ хўжалигидаги “Аниқ дехқончилик” тизимини қўллаш истиқболлари**

“Аниқ дехқончилик” тизимининг асосий элементларидан бири жараённи бошқариш бўлиб, уни бошқариш икки мақсадни – бу жараёнлар ва воситаларни аниқ билиш ва уларни олдиндан мос холда мониторинг ва назорат қилиш хисобланади.

Берилган кўрсаткичларни автоматик ростлаш ишларини мониторинг қилиш 2001 йилдан бошлаб ISO тизимлари яратилиб, улар борт компьютерларига улаб ишлатилмоқда. Натижада трактор кабинасида ўрнатилган борт компьютерини машинага ўрнатиш имконияти яратилди. Бунда ўлчаш асбоблари (дастаклар) асосий хисобланиб, назоратчилар кўплаб ўлчов топшириқларини ечиш ва қарор қабул қилишлари мумкин бўлди (4.1-расм).



**4.1-расм. Клаас компанияси “Lexion” комбайнини борт компьютери**

Клаас компанияси “Lexion” комбайнини борт компьютерини асосий имконияти 75 та ўлчаш нуқталарини назорат қила олади:

- Бункерни тўлиши бўйича мониторинг қилиш
- Ўтказувчанлик қобилияти ва исрофгарчиликни хисоблаш

- Хосилдорлик ва намликни аниқлаш
- Иш унуми ва топшириқларни текшириш
- Кўрсатиш тизимининг назорат қилиш
- Двигател кўрсатгичлари ва ёқилғи сарфлаш мониторинг қилиш
- Техник хизмат кўрсатиш кетма-кетлигини назорат қилиш ва ҳ.

Хозирги пайтда қишлоқ хўжалиги техникаларидан электрик, акустик ва оптик принципда олинган маълумотларни ва қоидаларни интернет орқали олиш имконияти яратилган.

Қишлоқ хўжалиги машиналарида сенсор аниқлаш усули кенг кўлланилиб, белгиланган кўрсатгичларни аниқ ўлчаш ва уларга ишлов бериш мумкин. Бу усул 1980 йил охирига келиб сунъий йўлдошлар тизими орқали ишлатилган бўлса, 1990 йилларда мобил телефон алоқаси орқали Интернет тизимидан фойдаланиш имконияти туғилди (4.2-расм).

Хозирги вақтда ўрим-йифим машинасини кўрсатгичларини ўлчаш сайтларда ингридиентларини аниқлаш жихатидан эмас, балки ҳосилнинг намлиги, крахмал ва оқсил миқдори ва меъёрларини кўрсатиши билан ҳам аниқлаш имконини беради.

Шу билан бирга дала юзасини онлайн усулида кўринишини назорат қилиш ва ишлаб чиқиш мақсадли имкониятлари ҳам яратилган.

CCI ISOBUS терминали-бошқариш тизими агрегатларни ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқаришни бирлашган ҳолда назорат қилиш учун интерфейс-топшириқ назоратчи қурилмалар билан жиҳозланган.

Бу назоратчи маҳсус ёки ўзига хос вазифаларни уй компьютердан ёки бошқариш блокидан олинган маълумотларни, масалан, турли далаларга ишлов бериш вазифасии тахлил қилишга имконият яратади. Шу билан бирга GSM-модем орқали Интернетдан олинган турли топшириқ ва вазифаларни ҳам тахлил қиласи.



## **4.2-расм. Борт компьютерининг варианatlари: оддий Нектарзахлер (юқорида чапдаги) Комфорт-Терминал ISO-BU Мюллэр-электроника учун ва John Deere компанияси трактори компьютерлари.**

CCI бошқарув блоки ёрдамида агрегатнинг муҳим функциялари қўриб туриш учун қўйилган бир неча видео камералар билан назорат қилиши мумкин. Бу эса ўз навбатида агрегатнинг фойдаланиш мустаҳкамлигини оширади.

Ушбу блок учун маҳсус навигацион дастур Fielnav ишлаб чиқилган бўлиб, унинг ёрдамида агротадбирларни ўтказиш жойини аниқлаш ва у ерга бориши учун қисқа йўлларини ҳайдовчига кўрсатиб туради. Жойнинг координатлари ер участкасини картотекасидан олинади.

Бу ахборотлар келгусида “аниқ дехқончилик” тизимини яратиш ва қишлоқ хўжалик ишларини ташкил этиш учун асос бўлади. Бу эса ўз навбатида фермерларга олдиндан ишларни бажариш учун керакли тадбирларни келишиб олиш учун хизмат қиласи. Маълумотлар тармоғи мобил курилмалар, яъни, смартфон, планшет компьютерлар ҳамда агрегатларни бошқариш блоклари орқали олиш ва бошқариш имкониятини яратади.

**Келажакда бу бошқариш тизими олий ўқув ва илмий изланишлар вазирликларининг бирлашган қишлоқ хўжалиги тармоғига улаш мўлжалланган.**

Бундан кутилган асосий мақсад қишлоқ хўжалик ишлари ва уларни ўтказиш жойлари тўғрисидаги барча маълумотларни, яъни, агрегат тўғрисидаги, об-ҳаво, тупроқнинг ҳолати ва бошқа маълумотларни бирлашган тармоққа йиғишдан иборат.

### **Назорат саволлари:**

1. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасини молернизациялаш ўйналишларини айтинг;
2. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасини ривожлантиришда қандай йўналиш белгиланган?
3. Келажакда қишлоқ хўжалиги машиналарига қандай техник хизмат кўрсатиш тизимлари жорий этилади?
4. Агрегатлар иш унуми даражасини ошириш бўйича захираларнинг турларини моқиятини тушунтиринг;
5. Агрегат иш унумининг ташкилий-хўжалик захираларига қандай омиллар киради?
6. Агрегат иш унумининг техник захираларига қандай омиллар киради?

7. Агрегат иш унумининг ташкилий-технологик захираларига қандай омиллар киради?
8. Агрегат иш унумининг социологик захираларига қандай омиллар киради?
9. Агрегатларнинг иш унумини ошириш бўйича қандай тадбирлар амалга оширилиши керак.
- 10.“Аниқ дехқончилик” тизимининг моҳиятини тушинтиринг.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1 Игамбердиев А., Алиқулов С. “Тракторлар ва қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш, техник сервис”. Т., 2020 – 230 б (ўкув қўлланма)
2. Hunt D. “Farm Power and Machinery Management”, USA, 2016.-360 б.
3. Тошболтаев М. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига машина-трактор агрегатларидан фойдаланиш даражасини оширишнинг назарий-методологик асослари”. Т., “Фан ва технология”, 2016. - 602 б.

**Кўшимча адабиётлар:**

1. Krombhols/Bertram/Wandel. “Land-technik”. Germany, 2008. 280 б.
- 2.“Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш жараёнларини 2020 йилгача комплекс ривожлантиришнинг умумий концепциялари”Тошкент-2010. 81-бет.

## **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ (2 соат)**

#### **Мавзу: Лемкен фирмасининг плугларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш**

**Ишнинг мақсади.** Тупроқка асосий ишлов бериш жараёнида техникалардан мақсадли фойдаланиш, кластер, фермер хўжаликлари шароитига мос инновацион технология ва техникаларни танлаш ва улардан самарали фойдаланиш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашдан иборат.

#### **Ишнинг вазифалари:**

1. Топшириқда берилган жараённинг долзарблигини аниқлаш;
2. Асосий ва кичик муаммоларни топиш;
3. Муаммо ечимининг алгоритмини аниқлаш;
4. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича хулоса, тавсия ва таклифлар бўйича йўриқламалар тайёрлаш;
5. Йўриқмаларга асосан инновацион технология ва техникаларни танлаш, оммавий матбуот, журналларга мақолалар тайёрлаш ва чоп эттириш.

**Керакли жиҳозлар:** 1. Игамбердиев А.К, Аликулов С. “Оммавий ўкув фаолиятни (амалий машғулотларни) Кейс-стади- “муаммоли вазият” усулида ташкил этиш тартиби”. Услубий қўлланма. ТИҚҲММИ МТУ, 2022. 19 б.

2. Электрон дастурлар, услубий қўлланмалар, илмий - амалий мақолалар, оммабоп нашрлар, маҳсус адабиётлар, интернет слайдлари ва бошқалар.

**Мавзунинг долзарблиги.** Тупроқка асосий ишлов беришнинг зарурати ва долзарблики шундаки, бунда тупроқка кўпроқ сувни сингиб кетишини, ўсимлик илдизи ривожланадиган қатламда етарли сув микдорини тўпланиши ва намликини узоқ муддат сақланишини таъминлаш ҳамда ўсимлик илдиз тизимининг кучли ривожланиши учун шароит яратиш, минерал ва маҳаллий ўғитларни тупроқка аралаштириш, бегона ўт қолдиқлари ва зааркунандаларни йўқотишни таъминлайди.

#### **Муаммоли вазиятлар:**

1. Ҳозирги кунда тупроқка асосий ишлов беришда фермер хўжаликларини тупроқ иклим шароитини ва далаларнинг шакли ва ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда турли таркибдаги ҳайдов агрегатларидан фойдаланилмайтганлиги натижасида уларнинг иш унумини пасайиши ҳисобига ёқилғи сарфининг ортиб кетиши қузатилмоқда

2. Ҳайдов агрегатларидан мақсадли фойдаланмаслик, яъни, шамол ва сув эрозиясига учрайдиган майдонларда тупроқни маҳсус плуглар билан ағдармасдан ишлов бериш ўрнига тупроқ қатламини ағдариб шудгорлайдиган плуглардан фойдаланиш ҳайдов сифатини пасайишига олиб келмоқда.

## 1-Амалий машғулотни расмийлаштириш жадвали ТОПШИРИҚ

- 1. Фаннинг номи:** \_\_\_\_\_
- 2. Мавзунинг номи:** \_\_\_\_\_
- 3. Кейснинг мақсади:** \_\_\_\_\_
- 4. Кутилаётган натижалар:** \_\_\_\_\_
- 5. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ҳал этиш**

Иш босқичлари	Бажариш натижалари
1. Кейс мавзусини дол зарблиги ва муаммолари бўйича ахборотлар олингандан адабиётлар рўйхати	1. Муаллифи, номи, нашри, чикқан йили, бетлар 2. 3. 4.
2. Мавзунинг долзарлиги	
3. Асосий ва кичик муаммоларни аниқлаш	1. Асосий муаммо:  2. Кичик муаммолар:

### 6. “Муаммоли вазият” жадвали

Муаммолар	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиши сабаблари	Вазиятдан чиқиб кетиш харакатлари

**7. Хуросалар ва таклифлар** бериш, инновацион технология, техника, ишланмалар танлаш, илмий-амалий, оммабоп мақолалар тайёрлаш, журнал ва матбуотда чоп эттириш \_\_\_\_\_

---



---



---

Бажарди: \_\_\_\_\_ Қабул қилди: \_\_\_\_\_

И.Ш.Ф. имзо

И.Ш.Ф. имзо

Изоҳ: Амалий ишни натижаси бўйича тайёрланган хуроса, таклиф, тавсия, танланган инновацион технология, техника, ишланма, ёзилган мақола, илмий-амалий ҳисоботлар тўғрисидаги маълумотлар алоҳида (қўшимча) тақдим этилади

## **2-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ (4 соат)**

**Мавзу: ППАС-4 прецизион универсал пневматик сеялкани ўрганиш**

**Ишнинг мақсади.** Тупроққа экиш олдидан ишлов бериш жараёнида техникалардан мақсадли фойдаланиш, кластер, фермер хўжаликлари шароитига мос инновацион технология ва техникаларни танлаш ва улардан самарали фойдаланиш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича билим ва кўникмаларини мустахкамлашдан иборат.

**Ишнинг вазифалари:**

1. Топшириқда берилган жараённинг долзарблигини аниқлаш;
2. Асосий ва кичик муаммоларни топиш;
3. Муаммо ечимининг алгоритмини аниқлаш;
4. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича хулоса, тавсия ва таклифлар бўйича йўриқламалар тайёрлаш;
5. Йўриқмаларга асосан инновацион технология ва техникаларни танлаш, оммавий матбуот, журналларга мақолалар тайёрлаш ва чоп этириш.

**Керакли жиҳозлар:** 1. Игамбердиев А.К, Алиқулов С. “Оммавий ўкув фаолиятни (амалий машғулотларни) Кейс-стади- “муаммоли вазият” усулида ташкил этиш тартиби”. Услубий қўлланмана. ТИҚҲММИ МТУ, 2022. 19 б.

2. Электрон дастурлар, услубий қўлланмалар, илмий - амалий мақолалар, оммабоп нашрлар, маҳсус адабиётлар, интернет слайдлари ва бошқалар.

**Мавзунинг долзарблиги.** Тупроққа экишдан олдин ишлов беришда куйидаги ишлар амалга оширилади. **Тирмалаш** - тупроқдаги намликнинг буғланиб кетмаслиги учун унинг юзасида бир текис юмшатилган қатлам ҳосил қилиш, майда нотекисликлар ва бегона ўтларни йўқотишдан иборат. **Молалаш** - тупроқни уруғ экиш чуқурлигига тенг бўлган қатламида бир текис зичланган қатлам ҳосил қилиш ҳисобига остиқи қатламидағи намликнинг юқорига кўтарилишини таъминлашдан иборат. **Чизеллаш** - тупроқнинг юқори қатламини 12-16 см чуқурликда юмшатиш, бегона ўтларнинг илдизларини қирқишидан иборат. **Текислаш** - майдон юзасини текислаш ҳисобига сугориш ишларини юқори савияда амалга ошириш натижасида экинлардан юқори ҳосил олишни таъминлашдан иборат

**Муаммоли вазиятлар:**

1. Тишли ёки дискли тирмалардан мақсадли фойдаланмаслик натижасида бегона ўтларни йўқотиш ўрнига кўпайиб кетиши сабабли кўшимча далани бегона ўтлар илдизларидан тозалаш учун ёқилғи сарфининг ортиб кетишига йўл қўйилмоқда.
2. Далаларни сифатсиз текисланиши натижасида экинларни сугориш ишлари талаб даражасида бажарилмаганлиги оқибатида кўчатлар сонининг камайиши ҳисобига экинлар ҳосилдорлигининг кескин пасайишига олиб келмоқда

**2-Амалий машғулотни расмийлаштириш жадвали**

## ТОПШИРИҚ

1. Фаннинг номи: \_\_\_\_\_

2. Мавзунинг номи: \_\_\_\_\_

3. Кейснинг мақсади: \_\_\_\_\_

4. Кутилаётган натижалар: \_\_\_\_\_

5. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ҳал этиш

Иш босқичлари	Бажариш натижалари
1. Кейс мавзусини дол зарбилиги ва муаммолари бўйича ахборотлар олингандан адабиётлар рўйхати	1. Муаллифи, номи, нашри, чиққан йили, бетлар 2. 3. 4.
2. Мавзунинг дол зарбилиги	
3. Асосий ва кичик муаммоларни аниқлаш	1. Асосий муаммо:  2. Кичик муаммолар:

6. “Муаммоли вазият” жадвали

Муаммолар	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиши сабаблари	Вазиятдан чиқиб кетишига харакатлари

7. Хулосалар ва таклифлар бериш, инновацион технология, техника, ишланмалар танлаш, илмий-амалий, оммабоп мақолалар тайёрлаш, журнал ва матбуотда чоп эттириш \_\_\_\_\_

Бажарди: \_\_\_\_\_ Қабул қилди: \_\_\_\_\_

И.Ш.Ф. имзо

И.Ш.Ф. имзо

Изоҳ: Амалий ишни натижаси бўйича тайёрланган хулоса, таклиф, тавсия, танланган инновацион технология, техника, ишланма, ёзилган мақола, илмий-амалий ҳисоботлар тўғрисидаги маълумотлар алоҳида (қўшимча) тақдим этилади.

## З-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ (2 соат)

### Мавзу: “Де Лавал” фирмаси соғиш агрегати ва КР-7515 соғиш аппаратини ўрганиш

**Ишнинг мақсади.** Экинлар уруғини экиш жараёнида техникалардан мақсадли фойдаланиш, кластер, фермер хўжаликлари шароитига мос инновацион технология ва техникаларни танлаш, улардан самарали фойдаланиш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш, ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашдан иборат.

#### **Ишнинг вазифалари:**

1. Топшириқда берилган жараённинг долзарблигини аниқлаш;
  2. Асосий ва кичик муаммоларни топиш;
  3. Муаммо ечимининг алгоритмини аниқлаш:
  4. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича хулоса, тавсия ва таклифлар бўйича йўриқламалар тайёрлаш;
  5. Йўриқмаларга асосан инновацион технология ва техникаларни танлаш, оммавий матбуот, журналларга мақолалар тайёрлаш ва чоп эттириш.
- Керакли жиҳозлар:** 1.Игамбердиев А.К, Алиқулов С. “Оммавий ўқув фаолиятни (амалий машғулотларни) Кейс-стади- “муаммоли вазият” усулида ташкил этиш тартиби”. Услубий қўлланма. ТИҚҲММИ МТУ, 2022. 19 б.
- 2.Электрон дастурлар, услубий қўлланмалар, илмий - амалий мақолалар, оммабоп нашрлар, маҳсус адабиётлар, интернет слайдлари ва бошқалар.

**Мавзунинг долзарблиги.** Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини оширишда энг муҳим тадбирлардан бири уруг экиш ишларини белгиланган муддатларда ва мақбул чуқурликка сифатли қилиб экишдан иборат. Уруғларни кўмиш чуқурлиги – чигит экишда 3-6 см, буғдойда - 4-6 см, картошкада-8-16 см, сабзи, пиёзда- 1,5-2 см, саксаул уруғини экишда 0,5-1 см бўлиб, уруғларнинг ўсувчанлик энергияси ҳамда тупроқнинг ҳолатига (намлиги ва ҳарорати) боғлик ҳолда аниқланади

#### **Муаммоли вазиятлар:**

1. Фермер хўжаликларини тупроқ иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда турли русумдаги экиш агрегатларидан мақсадли фойдаланил-маётгандиги натижасида агрегатнинг иш унуми ва сифатини пасайиши ҳисобига ёқилғи сарфининг ошиб бориши кузатилмоқда
2. Экиш олдидан бажариладиган ишларни сифатсиз бажарилиши натижасида экиш агрегатларидан фойдаланиш даражаси пасайиб кетмоқда..

## **З-Амалий машғулотни расмийлаштириш жадвали ТОПШИРИК**

1. Фаннинг номи: \_\_\_\_\_
  2. Мавзунинг номи: \_\_\_\_\_
  3. Кейснинг мақсади: \_\_\_\_\_
  4. Кутилаётган натижалар: \_\_\_\_\_
  5. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ҳал этиш

Иш босқичлари	Бажариш натижалари
1. Кейс мавзусини дол зарбилиги ва муаммолари бўйича ахборотлар олингандан адабиётлар рўйхати	1. Муаллифи, номи, нашри, чиққан йили, бетлар 2. 3. 4.
2. Мавзунинг дол зарбилиги	
3. Асосий ва кичик муаммоларни аниқлаш	1. Асосий муаммо:  2. Кичик муаммолар:

## **“Муаммоли вазият” жадвали**

<b>Муаммолар</b>	<b>Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари</b>	<b>Вазиятдан чиқиб кетиш харакатлари</b>

7. Хулосалар ва таклифлар бериш, инновацион технология, техника, ишланмалар танлаш, илмий-амалий, оммабоп мақолалар тайёрлаш, журнал ва матбүотда чоп эттириш

Бажарди: \_\_\_\_\_ Қабул қилди: \_\_\_\_\_  
И.Ш.Ф. имзо И.Ш.Ф. имзо

Изоҳ: Амалий ишни натижаси бўйича тайёрланган хулоса, таклиф, тавсия, танланган инновацион технология, техника, ишланма, ёзилган мақола, илмий-амалий ҳисоботлар тўғрисидаги маълумотлар алоҳида (қўшимча) тақдим этилади.

## **4-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ (2 соат)**

### **Мавзу: Хитойдан келтирилган озуқаларни гранулалаш қурулмасини үрганиш ва ишлатишга тайёрлаш**

**Ишнинг мақсади.** Экинлар уруғини экиш жараёнида техникалардан мақсадли фойдаланиш, кластер, фермер хўжаликлари шароитига мос инновацион технология ва техникаларни танлаш, улардан самарали фойдаланиш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш, ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашдан иборат.

#### **Ишнинг вазифалари:**

1. Топшириқда берилган жараённинг долзарблигини аниқлаш;
  2. Асосий ва кичик муаммоларни топиш;
  3. Муаммо ечимининг алгоритмини аниқлаш:
  4. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича хулоса, тавсия ва таклифлар бўйича йўриқламалар тайёрлаш;
  5. Йўриқмаларга асосан инновацион технология ва техникаларни танлаш, оммавий матбуот, журналларга мақолалар тайёрлаш ва чоп эттириш.
- Керакли жиҳозлар:** 1.Игамбердиев А.К, Алиқулов С. “Оммавий ўкув фаолиятни (амалий машғулотларни) Кейс-стади- “муаммоли вазият” усулида ташкил этиш тартиби”. Услубий қўлланма. ТИҚҲММИ МТУ, 2022. 19 б.
- 2.Электрон дастурлар, услубий қўлланмалар, илмий - амалий мақолалар, оммабоп нашрлар, маҳсус адабиётлар, интернет слайдлари ва бошқалар.

**Мавзунинг долзарблиги.** Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини оширишда энг муҳим тадбирлардан бири уруғ экиш ишларини белгиланган муддатларда ва мақбул чуқурликка сифатли қилиб экишдан иборат. Уруғларни кўмиш чуқурлиги – чигит экишда 3-6 см, буғдойда - 4-6 см, картошкада-8-16 см, сабзи, пиёзда- 1,5-2 см, саксаул уруғини экишда 0,5-1 см бўлиб, уруғларнинг ўсувчанлик энергияси ҳамда тупроқнинг ҳолатига (намлиги ва ҳарорати) боғлик ҳолда аниқланади

#### **Муаммоли вазиятлар:**

1. Фермер хўжаликларини тупроқ иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда турли русумдаги экиш агрегатларидан мақсадли фойдаланил-маётгандиги натижасида агрегатнинг иш унуми ва сифатини пасайиши ҳисобига ёқилғи сарфининг ошиб бориши кузатилмоқда
2. Экиш олдидан бажариладиган ишларни сифатсиз бажарилиши натижасида экиш агрегатларидан фойдаланиш даражаси пасайиб кетмоқда..

## **4-Амалий машғулотни расмийлаштириш жадвали ТОПШИРИҚ**

1. Фаннинг номи: \_\_\_\_\_
  2. Мавзунинг номи: \_\_\_\_\_
  3. Кейснинг мақсади: \_\_\_\_\_
  4. Кутилаётган натижалар: \_\_\_\_\_
  5. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ҳал этиш

Иш босқичлари	Бажарыш натижалари
1. Кейс мавзусини дол зарблиги ва муаммолари бўйича ахборотлар олинган адабиётлар рўйхати	1. Муаллифи, номи, нашри, чиққан йили, бетлар 2. 3. 4.
2.Мавзунинг долзарлиги	
3.Асосий ва кичик муаммоларни аниқлаш	1. Асосий муаммо:  2. Кичик муаммолар:

## **“Муаммоли вазият” жадвали**

<b>Муаммолар</b>	<b>Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари</b>	<b>Вазиятдан чиқиб кетиши харакатлари</b>

7. Хулосалар ва таклифлар бериш, инновацион технология, техника, ишланмалар танлаш, илмий-амалий, оммабоп мақолалар тайёрлаш, журнал ва матбӯтда чоп эттириш

Бажарди: \_\_\_\_\_ Кабул қилди: \_\_\_\_\_  
И.Ш.Ф. имзо И.Ш.Ф. имзо

Изоҳ: Амалий ишни натижаси бўйича тайёрланган хулоса, таклиф, тавсия, танланган инновацион технология, техника, ишланма, ёзилган мақола, илмий-амалий ҳисоботлар тўғрисидаги маълумотлар алоҳида (қўшимча) тақдим этилади.

## **КҮЧМА МАШГУЛОТ МАЗМУНИ (6 соат)**

Күчма машгулот олдиндан тузилган шартнома асосида Республика фермерлари ва бошқа корхоналарига янги, замонавий чет давлатлар компанияларининг қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликга оид техникаларни етказиб бериш, монтаж қилиш ва техник сервис хизматларини кўрсатиш билан шуғулланадиган “SN INVEST”, “AGROTISHXOLDING”, “INNTRA AGRAR” компанияларининг бирига ташкил қилинади. Тингловчилар ушбу компания етакчи мутахассислари томонидан янги техникалар билан танишадилар, техникалар катологи, проспектларидан оладилар, ўзлари қизиқаётган техникалар олдида расмга тушадилар ва натижада Республикага кириб келаётган янги, замонавий техникаларга оид билимлар шаклланади.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### I. Кейс-стади лойиҳасини педагогик аннотацияси

- 1. Фаннинг номи:** Қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологиялардан фойдаланиш асослари.
- 2. Мавзунинг номи:** Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнларидаги муаммоли вазиятларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва ҳал этиш.
- 3. Кейснинг мақсади:** Тингловчиларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришда қўлланилаётган турли хилдаги агрегатлардан фойдаланишдаги қуидагилар: техникалардан мақсадли фойдаланиш, фермер хўжаликлари шароитига мос трактор ва қишлоқ хўжалиги машиналарни танлаш, ресурстежамкор, инновацион технология ва техникаларни яратиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда мавжуд муаммоли вазиятларни аниқлаш, таҳлил этиш ва ҳал этиш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлашда билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашдан иборат.
- 4. Кутилаётган натижа:** Мавзунинг мазмуни таҳлил қилинади, илмий ишланмалар, соҳага оид адабиётлар, ўқув қўлланмалар билан ишланади, Кейсни мақсади аниқланади, асосий ва кичик муаммоларни таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечими изланади ва уни ҳал этиш йўллари ишлаб чиқилади.
- Муаммо ечими шакллантирилади ва асосланади, унинг ечими топилади. Топилган ечимлар юзасидан тавсиялар кўринишида тақдимот тайёрланади ва берилган тавсияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича журнал ва матбуотга мақола ҳамда ишланмалар берилади.
- 5. Мазкур кейс илмий-амалий муаммолар бўйича яратилган вазият асосида ишлаб чиқилган.**
- 6. Кейсда ишлатилган маълумотлар манбаи қуидагилардан иборат:** муаммоларга оид илмий-амалий ишланмалар, ишлаб чиқариш жараёнлари бўйича маъёрий хужжатлар, услугбий қўлланмалар, инновацион технологиялар, техникалар, ишланмалар ва бошқалар.
- 7. Мазкур кейс - асосий манбага кўра кабинет кўринишида тузилган сюжетсиз, илмий - амалий кўринишига эга бўлиб, топшириқларни алгоритмик кетма-кетликда бажаришга асосланади (1 ва 2-иловалар).**

Кейснинг обьекти кўп субъектли – кластерлар, фермер ва дехқон хўжаликлари ҳамда қишлоқ хўжалиги тизимидағи ташкилотлар ҳисобланади. Кейснинг ҳажми ўртacha бўлиб, вазиятни ҳар томонлама таҳлил этиш асосида муаммонинг мақбул ечимини топишга қаратилган.
- 8. Дидактик мақсадига кўра кейс – муаммоли-ечимли характерига эга.**

У муаммони ажратиш ва ечиш бўйича тингловчиларнинг малака ва кўникмасини шакллантиришга йўналтирилган. Уларда таҳлил этиш ва мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш мақсадида кейс муаммоси, топшириқлар, уларни бажариш йўллари ва зарур ахборот изчиллик билан баён этилган.

**9. Кейснинг афзалликларига қуидагилар киради:** Ўқув дарсининг кейс-технологиясини ўқитиш бўйича тингловчиларнинг ўзлари ташкил этган иш фаолиятининг таъминловчи босма ҳисббот ва унинг натижавий баҳосини белгиловчи меъёрий кўрсатгичлар, ишланмалар, илмий-амалий хулоса ва тавсиялар мавжудлиги ҳисобланади (3 ва 4-иловалар).

**10. Мазкур Кейсдан** “Қишлоқ хўжалигида инновацион технология ва техникалардан фойдаланиш”, “Илмий изланиш асослари”, «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаш”, “Қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш” фанларининг “Механизациялаштирилган ишлар технологияси ва машиналари” қисмини ўрганиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

**11. Кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун таълим олувчилар қуидаги билимларга эга бўлиши лозим:**

- ўсимликшунослик ва тупроқшунослик фанларини билиши;
- қишлоқ хўжалиги агрегатларининг энергия манбалари (трактор, автомобил, муҳим ишлайдиган двигателлар) ва машиналарининг техник-фойдаланиш кўрсатгичларини аниқлай билиши;
- қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш технологиялари ва жараёнлари ҳамда уларни бажаришда фойдаланиладиган трактор ва машиналарининг вазифаси ва турларини билиши;
- қишлоқ хўжалиги машиналаридан мақсадли фойдаланишни таҳлил қилиш ва умумлаштириш услубларини билиши керак.

**12. Таълим олувчи амалга ошириши керак:**

- мавзуни кичик гурухларда ва мустақил ўрганади;
- муаммоларни аниқлайди;
- фаразларни илгари суради;
- ўқув маълумотлар билан мустақил ишлайди;
- маълумотларни таққослайди, таҳлил қиласи ва умумлаштиради;
- маълумотларни танқидий нуқтаи назардан ўрганиб чиқиб, мустақил қарор қабул қиласи;
- ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, якуний хулоса чиқаради.

**13. Кейсни бажариш жараёнида муаммоли вазиятнинг ёнимини топиш жараёнида тингловчиларда қуидаги хусусиятларни ривожлантириш ва ўқув натижаларга эришиш мумкин: мазкур мавзу бўйича билимни**

чуқурлаштириш; индивидуал ва гурухларда муаммонинг ечимини таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш кўникмаларини шакллантириш; муаммони ечишда жараённинг барча омилларини ҳисобга олган ҳолда бир неча мақбул ечимларни топиш малакасини шакллантиришдан иборат.

#### **14. Тингловчиларга услубий қўрсатмалар:**

Кейс услубий лойиҳасининг мазкур қисмлари қўйидагиларни:

- кейсдаги муаммо ва кичик муаммоларни топиш;
- муаммо ечимининг алгоритмини аниқлаш;
- муаммоли вазиятни таҳлил этиш ва ҳал қилиш варафи ёки муаммоли вазиятни таҳлил этиш ва ҳал қилишга доир йўриқномалар тайёрлаш;
- кейс билан индивидуал ва гурух бўлиб ишлашни баҳолаш мезонлари ва қўрсатичлари;
- ўқув-услубий материаллар: ҳисоб-китоблар қоидалари ва формулалари, услублар ва усувлар баёни ва бошқалар тақдим этиш ва адабиётлар киради.

### **II. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича таълим олувчиларга услубий қўрсатмалар**

#### **5.1-жадвал**

Иш босқичлари	Маслаҳатлар ва тавсияномалар.
1. Кейс мавзуси ва унинг ахборот таъминоти билан танишиш	Аввало кейс билан танишинг. Ишлаб чиқариш жараёнини бажаришда қўлланиладиган агрегатнинг фойдаланишига тўсиқ бўлувчи барча омиллар ва уларнинг сабаблари ҳақидаги ахборотни дикқат билан ўқиб чиқиш лозим. Ўқиши пайтида вазиятни таҳлил қилишга шошилманг.
2. Берилган вазият билан танишиш	Маълумотларни яна бир маротаба дикқат билан ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни белгиланг. Бир абзацдан иккинчи абзацга ўтишдан олдин, уни икки уч маротаба ўқиб мазмунига кириб борилади. Кейсдаги муҳим фикрларни қалам ёрдамида остини чизиб қўйинг. Вазият тавсифида берилган асосий тушунча ва ибораларга дикқатингизни жалб қилинг. Ушбу вазиятдан ҳозирги Ўзбекистонда хайдов агрегатларидан фойдаланишини яхшилаш учун нима ишларни амалга ошириш кераклигини аниқланг.
3. Вазиятни таҳлил қилиш	Асосий ва кичик муаммоларга дикқатингизни жалб қилинг.
4. Муаммоли вазиятни ечиш услуб ва восита-ларини танлаш ҳамда асослаш	Ушбу муаммонинг олдини олиш ҳаракатларини излаб топиш мақсадида қўйида тақдим этилган “Муаммоли вазият” жадвалини тўлдиришга киришинг. Муаммони ечиш учун барча вазиятларни кўриб чиқинг, муқобил вазиятни яратинг. Муаммонинг ечимини аник

	вариантлардан танлаб олинг, муаммонинг аниқ ечимини топинг. Жадвални (5.1-жадвал) тўлдиринг. Кейс билан ишлаш натижаларини ёзма шаклда илова этинг.
--	---

### “Муаммоли вазият” жадвали

**5.2-жадвал**

<b>Муаммолар</b>	<b>Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиши сабаблари</b>	<b>Вазиятдан чиқиб кетиши ҳаракатлари</b>

### **III. Муаммоли вазиятларни ҳал этиш бўйича амалий машғулотни ўқитиши технологияси**

<b>4 соат</b>	Таълим олувчилик сони: 30 кишидан ошмаслиги лозим
<i>Мавзу</i>	Тупроққа асосий ишлов бериш технологияси муаммолари
<i>Амалий машғулот режаси:</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>Кейс мазмунига кириш.</li> <li>Таҳсил олувчилик билимларини фаоллаштириш мақсадида “Блиц – сўров” ўтказиш.</li> <li>Муаммо ва уни ечиш вазифаларини аниқ ифода этиш.</li> <li>“Кейс – стади” ни гурухларда ечиш.</li> <li>Натижалар тақдимоти ва муҳокамасини ўтказиш.</li> <li>Якуний хулоса чиқариш. Эришилган ўқув натижаларига кўра таҳсил олувчилик фоалиятини баҳолаш</li> </ol>

**Машғулотнинг мақсади:** Бўлажак бакалаврларга тупроққа ишлов беришда турли хилдаги агрегатларидан фойдаланишда тупроқнинг қайта зичланиши муаммолари, техникалардан мақсадли фойдаланиш, фермер хўжаликлари шароитига мос трактор ва плугларни танлаш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашдан иборат.

<b>Педагогик вазифалар:</b>	<b>Ўқув фоалияти натижалари</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>- кейс мазмунини мустақил ўрганиш учун асос яратади;</li> <li>- муаммога оид вазият билан таништиради;</li> <li>- муаммони ажратиб олишга ўргатади, таққослашга, таҳлил қилишга, умумлаштиришга кўмак беради;</li> <li>- муаммони ҳал этиш бўйича аниқ ҳаракатлар кетма – кетлигини тушунтириб</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- кейс мазмуни билан олдиндан танишиб чиқиб, ёзма тайёргарлик кўради;</li> <li>- Қандай қилиб тупроққа асосий ишлов беришда ёқилғи сарфини камайтириш мумкин? Муаммосини ечиш бўйича аниқ вазиятларнинг кетма–кетлигини аниқлайди;</li> </ul>

беради; -муаммоли вазифаларни ечишга шарт – шароит яратади; - мантиқий хулоса чиқаришга кўмак беради	- муаммоли вазифаларни ечишда назарий билимларини қўллади; - муаммони аниқлаб, уни ҳал қилишда ечим топади; - якуний мантиқий хулосалар чиқаради.
<i>Ўқитиии методлари</i>	“Кейс – стади”, “Муаммоли вазият” услуби, “Баҳс-мунозара”
<i>Ўқитиии воситалари:</i>	Маркерлар, қофозлар, доска, бўр, органайзерлар
<i>Ўқитиии шакллари</i>	Жамоавий ва гурухларда ишлаш
<i>Ўқитиии шарт-шароити</i>	Гурухларда ишлашга мўлжалланган ўқув хонаси
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Муаммолар ечими, савол-жавоб, тақдимот

#### IV. Амалий машғулотнинг технологик харитаси

<i>Иш жараён-лари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Таълим оловчи</i>
Тайёрлов босқичи	Мавзуни, вазият мазмунини аниқлайди, информацион таъминотга тайёргарлик кўради, “кейс-стади”ни расмийлаштиради, кейсни кўпайтириш муаммосини ҳал этади. Мустақил равишда тайёргарлик кўришни, тавсия этилган адабиётларни ўқиб ўрганишни тавсия этади	Тинглайдилар
I–bosqich Mavzuga kiriш (10 daқ)	1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади, вазифалари ва ўқув фаолияти натижаларини айтади, долзарблиги ва аҳамиятига тўхталиб ўтади.	Тинглайдилар
	1.2. Мавзу бўйича таълим оловчилар билимларини фаоллаштириш мақсадида блиц – сўров ўтказади	Саволларга жавоб билдиради
	1.3. “Кейс-стади” вазифаси, амалий машғулотнинг иш тартиби ва натижаларни баҳолаш мезонлари билан таниширади. Кейс мазмуни билан янада яқинроқ танишиб чиқишлиари учун таълим оловчиларга материалларни тарқатиб чиқади.	Танишадилар

II-босқич Асосий (60 дақ)	2.1. Кейсда бор бўлган материалларни муҳокама қилишни ташкиллаштиради, диққатни кейс билан ишлаш қоидаларига, муаммони ечиш алгоритмига ва вазифани аниқлаштиришга қаратади.	Муҳокама қиладилар
	2.2. Мустақил равишда уйда ўқиб келинган вазият таҳлилини ўтказишини таклиф қиласди	Вазиятни таҳлил қиладилар
	2.3. Таҳсил олувчиларни кичик гуруҳларга ажратади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни “Муаммоли вазият” услубидан фойдаланилган ҳолда тарқатади	Гуруҳларга ажралади, ёзиб оладилар, топшириқлар устида ишлайдилар
	2.4. Кичик гуруҳларда кейс билан якка тартибда бажарилган ишлар натижаларини муҳокама қилишни ташкиллаштиради. Гуруҳларга топшириқларни бажариш учун ёрдам беради, қўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Диққатларини кутиладиган натижага жалб қиласди	Фаол қатнашадилар
	2.5. Ҳар бир гуруҳ топшириқларни слайдларга тушириб, тақдимотини ўтказишида ёрдам беради, изоҳ беради, Билимларини умумлаштиради, хulosаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилиши қай даражада тўғри эканлигини дикқат билан тинглайди	Бажарилган ишнинг тақдимотини ўтказади, баҳс-мунозара юритади, баҳолайди, хулоса чиқарадилар
	2.6. Таълим олувчиларнинг тақдимотда кўрсатилган фикрларини умумлаштиради	Тинглайдилар
III-босқич Якуний (10 дақ)	3.1. Иш якунларини чиқаради. Бугунги мавзу долзарб эканлигига тўхталиб ўтади. Фаол таҳсил олувчиларни баҳолаш мезонлари орқали рағбатлантиради.	Эшитадилар, аниқлайдилар
	3.2. Тавсия этилган муаммо ечимларига изоҳ беради. Яна бир бор “Кейс-стади”нинг аҳамиятига атрофлича тўхталиб ўтади	Тинглайдилар

**V. Кейс билан ишлаш жараёнини баҳолаш мезонлари ва  
кўрсаткичлари  
Аудиториядан ташқари бажарилган иш учун**

Тингловчилар рўйхати	Асосий муаммо ажратиб олиниб, тадқиқот объекти аниqlанган макс. 6 балл	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиши сабаби ва далиллари аниқ кўрсатилган макс. 4 балл	Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари аниқ берилган макс. 10 балл	Жами макс. 20 балл

### Аудиторияда бажарилган иш учун

Гурӯҳлар рўйхати	Гурӯҳ фаол макс. 1 балл	Маълумотлар кўргазмали тақдим этилди макс.4 балл	Жавоблар тўлиқ ва аниқ берилди макс.5 балл	Жами макс. 10 балл
1.				
2.				
3.				

8-10 балл – аъло; 6-8 балл – яхши; 4-6 балл – қониқарли;

0-4 балл – қониқарсиз

### ИЛОВАЛАР

#### 1-илова

##### ТОПШИРИҚ

##### Амалий машғулотни расмийлаштириш жадвали

1. Фанинг номи: \_\_\_\_\_

2. Мавзунинг номи: \_\_\_\_\_

3. Кейснинг мақсади: \_\_\_\_\_

4. Кутилаётган натижалар: \_\_\_\_\_

5. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ҳал этиш

Иш босқичлари	Бажариш натижалари
1. Кейс мавзусини дол зарблиги ва муаммолари бўйича ахборотлар олинган адабиётлар рўйхати	1. Муаллифи, номи, нашри, чиққан йили, бетлар 2. 3. 4.

2. Мавзунинг долзарлиги	
3. Асосий ва кичик муаммоларни аниқлаш	1. Асосий муаммо:  2. Кичик муаммолар:

#### 6. “Муаммоли вазият” жадвали

Муаммолар	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиши сабаблари	Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари

7. Хулосалар ва таклифлар бериш, инновацион технология, техника, ишланмалар танлаш, илмий-амалий, оммабоп мақолалар тайёрлаш, журнал ва матбуотда чоп эттириш \_\_\_\_\_

:  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Бажа  
рди: \_\_\_\_\_ Қабул қилди: \_\_\_\_\_

И.Ш.Ф. имзо

И.Ш.Ф. имзо

**НАМУНА**

**АМАЛИЙ МАШГУЛОТ**

**2-илова**

**Мавзу: Тупроққа асосий ва экиш одидан ишлов бериш инновацион усуллари ва техник воситалари. Ўсимлик уруғларни экиш ва кўчатларини ўтқазиши усуллари ва машиналари.**

**Ишнинг мақсади.** Тупроққа ишлов бериш жараёнида техникалардан мақсадли фойдаланиш, фермер хўжаликлари шароитига мос трактор ва плугларни танлаш ва улардан самародор фойдаланиш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашдан иборат.

**Керакли жиҳозлар:** Электрон дастурлар, услубий қўлланмалар, илмий – амалий мақолалар, оммабоп нашрлар, маҳсус адабиётлар, интернет слайдлари ва бошқалар.

**Мавзунинг далзарбилиги.** Тупроққа асосий ишлов беришдан мақсад – тупроққа күпроқ сувни сингиб кетишини яхшилаш, ўсимлик илдизи ривожланадиган қатламда күплаб сув түпланиши ва намликин узоқ муддат сақланишини таъминлаш ҳамда илдиз системасини кучли ривожланиши учун шароит яратиш, минерал ва маҳаллий ўғитларни тупроққа аралаштириш, бундан ташқари, бегона ўт қолдиқлари ва зааркунандаларни йўқотишдан иборат.

### **Муаммоли вазиятлар:**

Хозирги кунда тупроққа асосий ишлов беришда фермер хўжаликларини тупроқ иқлим шароитини ва далаларнинг шакли ва ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда турли таркибдаги ҳайдов агрегатларидан фойдаланилмаётганлиги натижасида уларнинг иш унумини пасайиши ҳисобига ёқилғи сарфининг ошиб бориши кузатилмоқда

Худди шундай ҳайдов агрегатларидан мақсадли фойдаланмаслиги, масалан, шамол ва сув эрозиясига учрайдиган майдонларда тупроқни маҳсус плуглар билан ағдармасдан ишлов бериш ўрнига тупроқ қатламини ағдариб ҳайдайдиган плугларни қўлланиши ҳам ҳайдов сифатини пасайишига олиб келмоқда.

Ерларни намлиги оби-тобига келтириб ҳайдаш ўрнига уни паст ёки юқори намлиқда ҳайдалиши оқибатида агрегатларнинг иш унумини пасайиши натижасида ёқилғи-мойлаш материаллари сарфини ошиб кетишига йўл кўйилмоқда.

### **“Муаммоли вазият” таҳлили натижалари ва тавсиялар**

<b>Муаммоли вазият тури</b>	<b>Вазиятнинг келиб чиқиши сабаблари</b>	<b>Вазиятдан чиқиб кетиш харакатлари</b>
1. Тупроққа асосий ишлов беришда ёқилғи сарфини ошиб кетиши	1. Тупроққа ишлов бериш агрегатларидан мақсадли фойдаланмаслик.  2. Агрегатлардан самарали фойдаланишини тўғри баҳолай олмаслик.	Трактор ва плугларнинг турларини кўпайтириш  Агрегатларга технологик хизмат кўрсатишни яхшилаш
2. Фермер хўжалиги шароитларида ҳайдов агрегатларидан	Фермер хўжалиги шароитига (тупроқ иқлим, дала ўлчам-	Ҳар бир фермер хўжалиги шароити учун алоҳида агрегат-

фойдаланиш даражасининг пастлиги	лари) мос трактор ва плуглар ишлатилмаганлиги	лар тизимини танлаш ва улардан самарадор фойдаланиш
----------------------------------	---	---

## НАМУНА

3-илова

### Амалий машғулотни расмийлаштириш жадвалини тўлдириш

**1. Фаннинг номи:** Қишлоқ хўжалигида инновацион технология ва техникалардан фойдаланиш.

**2. Мавзунинг номи:** Тупроқка асосий ишлов бериш агрегатларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича Кейс-стади лойиҳасини ишлаб чиқиш

**3. Кейснинг мақсади:** Тупроқка ишлов бериш агрегатларидан мақсадли фойдаланиш ҳисобига ёқилғи сарфини камайтириш бўйича хulosса ва тавсия-таклифлар тайёрлаш.

**4. Кутилаётган натижалар:** Фермер хўжалигидаги ҳайдаладиган майдонлар ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда ҳайдов агрегатларининг мақбул таркибини аниқлаш.

#### 5. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ҳал этиш

Иш босқичлари	Бажариш натижалари
Кейс мавзусини долзарблиги ва муаммолари бўйича ахборотлар олинган адабиётлар рўйхати	<p>1. С.Алиқулов. Кузги шудгор самарадорлиги. Журнал. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Т., 2018 й., № 12, 17-бет</p> <p>2. A K. Igamberdiyev. S. Alikulov, N B Razikov, O E Usarov Composition of the drive aggregate in relation to the dimensions of the treated area. AEGIS2021 IOP Conf. Series: Earth and Environmental Science 868 (2021) 012036 IOP Publishing doi:10.1088/1755-1315/868/1/012036/</p>
2.Мавзунинг долзарлиги	Тупроқка асосий ишлов беришда фермер хўжаликларини тупроқ иқлим шароитини ва ҳайдаладиган майдонларининг шакли ва ўлчамларига мос бўлган 3,4,5-корпусли плуглар билан жиҳозланган ҳайдов агрегатларидан фойдаланилмаётганлиги натижасида уларнинг иш унумини пасайиши оқибатида ёқилғи сарфининг кўпайиб кетиши муаммоли вазиятни келтириб чиқармоқда.
3.Асосий ва кичик муаммоларни аниқлаш	<p>1. Асосий муаммо: Тупроқка ишлов бериш агрегатларидан мақсадли фойдаланмаслик.</p> <p>2.</p>

#### 6. “Муаммоли вазият” жадвали

Асосий муаммоли вазият	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиши сабаблари	Вазиятдан чиқиб кетиши харакатлари
Тупроқка асосий ишлов беришда ёқилғи сарфини ошиб кетиши	Тупроқка ишлов бериш агрегатларидан мақсадли фойдаланмаслик.	Хўжаликнинг тупроқ-иқлим шароитига мос бўлган трактор ва плугларнинг турларини танлаш ҳамда улардан самарадор фойдаланишни ташкил этиш

#### 7. Хулосалар ва таклифлар.

Хулосалар ва таклифлар бериш, инновацион технология, техника, ишланмалар танлаш, илмий-амалий, оммабоп мақолалар тайёрлаш, журнал ва матбуотда чоп эттириш

**Хулоса.** Хўжаликнинг тупроқ-иқлим шароитига мос бўлган трактор ва плугларнинг турларини танлаш ҳамда улардан самарадор фойдаланишни ташкил

этиш бўйича хулоса ва таклифлар бериш. Қишлоқ ва сув хўжалиги журналига мақола тайёрлаш (4- илова)

Бажарди: \_\_\_\_\_  
И.Ш.Ф. имзо

Қабул қилди: \_\_\_\_\_  
И.Ш.Ф. имзо

**4-илова**

**“Муаммоли вазият” бўйича тайёrlанган мақола намуналари**

**1. Тупроққа асосий ишлов бериш технологияси бўйича**

## КУЗГИ ШУДГОР САМАРАДОРЛИГИ

*Тупроқка асосий ишлөв беришнинг ағдариб ишлаш усуш юртимизда кенг тарқалган бўлиб, бу тадбир асосан кузги шудгор кўринишидаги чимқирқарли ва икки ярусли плуглар билан 35–40 см чукурликда амалга оширилади. Ушбу тадбирниг афзалиги шундан иборати, булда тупроқка кўпроқ сувиниг сингиб кетишни яхшилаш, ўсимлик илдизи ривожланадиган қатламда кўп сув тўпланиши ва намакнинг узоқ муддат сақланишини таъминлашдан иборат.*

Ер ҳайдаш усусларини ташлашда тупроқнинг физик-механик хоссалари, жойларининг тупроқ-иқлим шароитини ва шудгорлаш муддатларини эътиборга олиш муҳим ҳисобланади.

Маълумки, бу агротехник тадбир тупроқнинг намлиги 16–18% атрофида бўлганда бежарилни керак. Бунда тупроқ яхши уваланди, машинанинг ишчи қисмларига ёпишмайди ва унинг қаршилиги энг кам бўлди.

Ҳозирги пайтда ерларни икки ярусли плуглар билан шудгорлаш технологиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу усулаша шудгорлаш икки ярусли ПЯ-3-35, ПД-3-35 ПНЯ-4+1-45, ПДО-4-45 русумли 3-4 корпусли плуглар ёрдамида амалга оширилади. Натижада тупроқ қатламларининг ўрни ўзаро

алмашинади, бегона ўтлар уруги ва ўсимлик қолиқлари тупроқка чукур кўмилади.

Айниқса, кучни шўрланган майдонлар икки ярусли плутлар билан ҳайдаланади сеюзсига чиқиб қол-



ган шўр қатлам тупроқнинг остики қатламига тушганлиги учун бундай майдонларда шўр ювашдаги сув сарфи 25–30% камайиши аниқданган.

Ҳайдов қатламининг бундай юсуларга бўлинниб ва ўрин алмастирилиб ағдарилиши солинган ўтилар, далалини ўсимлик қолиқлари, бегона ўтлар ва уларнинг уруслари чукур кўмилишини таъминлашиб ҳамда вегетация даврида маданий ўсимликнинг жадал ривожланадиганда ишланаётганда ишланаётганда.

Ер ҳайдаш самарадорлигини оширишида далалинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда куйидаги тадбирларни қўллаш ишни натижалар беради:

1) бир йиллик бегона ўтлар кучли босадиган ва юқори даражада шўрланган майдонларни тўлиқ икки ярусли плутлар билан ҳайдаш;

2) кўп йиллик бегона ўтлар (ажрик, гумай, қамини) босган майдонларни уларнинг илдизларидан тозалангандан кейин ҳайдаш;

3) сизот сувлари яқин, сув ва шамол зорзинсига учрайтирган майдонларни экин оғиздан ҳайдаш;

4) ҳайдаш чукурлигига қаттиқ қатлам ёки гипс қатлами мавжуд бўлса, чукурлатичли маҳсус плутлардан фойдаланиш;

5) шўри ювашдиганда иштексин ҳайдашсанда майдонларни ҳайдашдан кейин пешма-пеш тескалаш иншларининг бажарилishi сеюз ҳайдаш иншларининг самарадорлигини кескин оширади.

**С.АЛИҚУЛОВ,  
ТИҚҲУММИ доценти, т.ф.а.**

## ҲАЙДОВ АГРЕГАТЛАРИ ИШ УНУМИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ҮСУПЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ишлаб чиқариш жараёнларига қўйиладиган асосий талаблардан бири – ҳар бир жараённинг белгиланган агротехник муддатда сифатли килиб бажарилиши ҳисобланади. Бунда агрегатларниң иш унуми ва сифатини ошириш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланишда фермер хўжаликлари жойлашган жойнинг тупроқ-иқлим шароити, рельефи ва бажариладиган агротехник ишларнинг ўзига хос ҳусусиятларини ҳисобга олиб, инновацион үсулларни қўллаган ҳолда уларнинг техникавий фойдаланиш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор бермоқ лозим.

Маълумки, мамлакатимиз фермер хўжаликларида ҳамда уларга ишлаб чиқариш-техника хизматлари кўрсатувчи туман ва мукобил машина-трактор парклари шуннингдек "Агротехсервис" МЧЖларда замонавий Магнум-8940, TS-50/60, MX-140, ARION-360C русумли тракторлар ва ПЯ-3-35, ПД-4-45, ПДО-4-45, ПН-4-35, ЛД-100, ЕвроПал каби иккى ярусли, айланма ва умумий ишлар плуглари билан жиҳозланган ҳайдов агрегатларидан фойдаланиб келинмоқда.

Мазкур техника воситалари ёрдамида бажариладиган далачилик тадбирларининг агротехник талаблар даражасида адо этилиши кўп жиҳатдан дала агрофонларини сифатли тайёrlаш, машина-трактор агрегатларини агрофон ҳолатига қараб тўғри ростлаш ва ишлатишга боғлиқдир. Чунки ҳайдов агрегатларни шудгорлаш олдидан ҳар бир дала агрофонининг ҳолатига қараб ростланиши зарур.

Зоро, далаларни ва агрегатларни ҳайдовга тайёр эмаслиги, яъни экин майдонларини ўсимлик қолдиқларидан тўлиқ тозаланмаганлиги, шудгорланаётган ернинг қаттиқ ёки пойлиги, лемех ва ствалларнинг маҳсус пишиқ металлдан ясалмаганлиги, чимқирқарларнинг ўрнатилмаганлиги, плуг корпусларининг бир-бирига ва рамага нисбатан нотўғри ўрнатилиши агрегатлар иш унумини ҳамда шудгорлаш сифатини кескин пасайишига олиб келмоқда. Шу боис ҳайдов агрегатларининг самарали ишлаши учун биринчи навбатда далаларнинг топографик (тупроқ) агрофонларини тайёrlаш ҳамда агрегатларни уларнинг ҳолатига қараб ростлаш бўйича комплекс тартибларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириб бориш долзарб масала бўлиб қолмоқда.



Ваҳоланки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши шаротларида машина ва механизмларнинг параметрлари механизаторлар ва механиклар томонидан ҳар бир дала шароитларига қараб ростланиши керак. Чунки ҳайдов агрегатлари тупроқ-иқлим шароити турлича бўлган далаларда ишлашга мажбур.

Айниқса, ҳайдов агрегатлари турли агрофонларда (соз тупроқли ёки қўмлоп, зичлашган ёки гипс қатламли) ишланағанда ҳам агротехник тадбирларни сифатли бажариши учун уларнинг кинематик ва технологик параметрларини агротехнологик тезликлар чегараларида ростлаш ишларини бажариш мұхандис-механиклар ва механизаторлар учун жуда муҳимдир.

Бу муаммоларни ҳал этишда энг замонавий үсуллардан бири – плугнинг қаршилик кучини унинг қамраш кенглигини ўзгартириш орқали тракторнинг тортиш кучидан самарали фойдаланишга эришиш ҳисобланади.

Шунинг учун ҳайдов агрегатини тузишда камров кенглигини кўлда ростланадиган (ЕвроПал) ёки автоматик равишида ўзгартириш мумкин бўлган (ВариДиамант) каби инновацион плуглардан фойдаланиш максадга мувофиқ ҳисобланади.

Бу усулни амалга ошириш учун ҳайдов агрегати далаға кирилилади ва белгиланган ҳайдов чуқурлиги ва иш тезлигига далада ҳаракатланади. Қамраш кенглиги кўлда ростланадиган плуглар билан жиҳозланган ҳайдов агрегатларида трактор двигателининг ишлаш ҳолатига қараб маълум масофадан кейин (ҳар 10–15 м. да) трактор тўхтатилиб, плугнинг қамраш кенглиги оширилади ва тракторнинг текис-зўриқмасдан ишлаши кузатилади. Бунда ростлаш ишлари бир неча марта оширилиб, тракторнинг нотекис-зўриқиши ҳолатигача давом эттирилади, сўнгра плугнинг қамраш кенглиги 3–5 фоизга (трактор захира кувватга эга бўлиш учун) қисқартирилади.

Плугнинг қамраш кенглиги трактор кабинасидан бошқариладиган ҳайдов агрегатларида ростлаш ишлари аста-секинлик билан агрегатнинг белгиланган ҳаракатланиш тезлигига амалга оширилади (расм).

**Расм.** Лемкен компанияси ВариДиамант русумли плугнинг қамраш кенглигини ростлаш механизми (а) ва автоматик ўзгартириш ҳолати.

Таклиф этилаётган инновацион ростлаш усулидан фойдаланиш ҳайдов агрегатларининг иш унумини 25–30 фоизга ошириш имконини беради.

С.АЛИҚУЛОВ,  
доцент, ТИЮММИ.

1. Алиқулов С. ва бошқалар. “Оммавий ўкув фаолиятини (маъруза машғулотлари) муаммоли таълим усулида ташкил этишда қўлланиладиган материал-слайдларни тайёрлаш тартиби”. Услубий қўлланма. Тошкент, ТошДАУ, 2016.- 23 б.
2. Хошимова М.К. “Педагогик технологиялар”. Маърузалар матни. Тошкент, ТДИУ, 2012.- 50 б.
3. Йўлдошев Ж., Хасанов С. ”Педагогик технологиялар”, “Иқтисод-молия”, Тошкент, 2009.- 72 б.
4. Очилов М. “Янги педагогик технологиялар”. Қарши, 2000. 93 б.
5. Голыш Л.И. « Современные педагогические технологии». Москва, 1999.-102 б.
6. Туракулов Х.А. ва бошқалар. Илмий тадқиқот асослари. Тошкент, 2011-483б.
7. Рахматов А.Д., Юнусов Р.Ф.Илмий тадқиқот асослари. Тошкент, ТИМИ, 2008.- 210 б.

### **Назорат саволлари**

1. Кейс-стади таълим услуби сифатида қандай дидактик ўзига хос хусусиятларга эга?
2. Кейс-стадининг моҳиятли белгиларини ифодаланг.
3. Кейслар типологияси ҳақида тушунча беринг?
4. Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда кейс – стади методидан фойдаланишнинг афзалликлари нимада деб ўйлайсиз?

## **VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қўйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўкув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

### **Мустақил таълим мавзулари:**

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ва чет элдан олиб келинаётган инновацион технология ва техник воситаларни техник-иктисодий ва технологик кўрсаткичлари;
2. Замонавий (инновацион) техникалардан мамлакатимиз ишлаб чиқариш шароитида самарали фойдаланиш имкониятлари аниқлаш;
3. Трактор ва қишлоқ хўжалиги машиналарини бошқаришда кўлланиладиган инновацион бошқариш тизимлари ва воситалари;
4. Мураккаб агрегатнинг техник ҳолатини ташхислар қўйиш асосида баҳолаш ва ташхис жиҳозларидан тўғри фойдаланиш;
5. Технологик жараённи бажарилишида бўладиган энергия ва меҳнат сарфлари ва уларни камайтириш йўллари;
6. Хўжаликлар шароитида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (пахта, дон, ем-хашак ва б.) етиштиришда бажариладиган технологик (шудгорлаш, экиш, ўсимликни ҳимоялаш, транспорт ишлари ва б.) жараёнлар учун энг мақбул агрегатларни тури ва сонини аниқлаш;
7. Замонавий трактор ва қишлоқ хўжалиги машиналарига техник сервис хизмати кўрсатиш.
8. Ерга асосий ва саёз ишлов беришдаги илфор (инновацион) технологиялар ва машиналарнинг техник – фойдаланиш кўрсатгичлари;
9. Экинлар уруғини экиш ва кўчат ўтқазишдаги илфор (инновацион) технологиялар ва машиналарнинг техник – фойдаланиш кўрсатгичлари;
10. Экинларни томчилиб сурориш тизимларининг ишлаб чиқаришда кўллаш афзалликлари;
11. Мева-сабзавотлар етиштиришнинг инновацион технологиялари ва машиналари;
12. Замонавий трактор ва қишлоқ хўжалиги машиналарининг эргономик кўрсатгичлари;
13. “Аниқ деҳқончилик” тизимининг моҳияти ва афзалликлари;
14. Трактор ва қишлоқ хўжалиги машиналарига сервис хизмат кўрсатишнинг истиқболлари.

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича тингловчилар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

## VII. ГЛОССАРИЙ

Ўзбекча	Ўзбекча шархи	Инглизча шархи
Технология	Белгиланган сифатдаги маҳсулотни олиш учун амалга ошириладиган биологик, кимёвий, физик ва агротехник жараёнлар йифиндиси.	The sum of biological, chemical, physical and agrotechnical processes carried out to obtain a product of the specified quality.
Технологик жараён	Мехнат предметига йўналтирилган таъсиrlар жамланмаси	A set of object-oriented effects
Ишлаб чиқариш жараёни	Талаb этилган сифатга жавоб берадиган маҳсулот олиш учун бажа-риладиган ишлар йифиндиси	The sum of the work done to obtain a product that meets the required quality
Ишлаб чиқаришиши	Техника воситаларини ишлов бериш предметига таъсири.	Influence of technical means on a subject of processing.
Мехнат унумдорлиги	Сарфланган меҳнат бирлигига тўғри келадиган маҳсулот миқдори	The amount of product per unit of labor expended
Иш унуми	Вақт бирлиги ичида белгиланган сифатдаги бажарган иш миқдори	The amount of work performed in a defined quality per unit of time
Иш тезлиги	Иш вақти бирлигига босиб ўтилган масофа	Distance traveled per unit of operating time
Қамраш кенглиги	Бир ўтишда бажарилган иш майдони кенглиги	The width of the work area performed in one pass
Ўтказувчан-лик қобиляти	Вақт бирлиги давомида ишлов бериладиган бирламчи материал миқдори	The amount of primary material processed per unit time
Агротехник талаблар	Бажариладиган ишнинг сифат кўрсатгичлари	Quality indicators of work performed
Шатаксираш	Ишлов бериш предмети ва воситасини ўзаро сирпаниши	Slip between the subject and the tool to be machined
Йўл тирқиши	Энергия воситасининг энг пастки нуқтасидан ер юзасигача бўлган масофа	The distance from the lowest point of the power vehicle to the ground surface
Агротехника тирқиши	Энергия воситасининг ўсимлик ўсиб турган жойидаги энг пастки нуқтасидан ер юзасигача бўлган масофа	The distance of the energy medium from the lowest point where the plant grows to the surface
Солиштирма қаршилик	Ишлов берилаётган материалнинг бир бирлик қамраш кенглигидаги қаршилиги	The resistance of the material being machined per unit coverage width
Техник сервис	Техникани ишга яроқлигини таъминлаш тадбирлари жамланмаси	A set of measures to ensure the serviceability of equipment
Техникавий ташхис	Техниканинг холатини аниqlаш тадбирлари жамланмаси	A set of measures to determine the condition of equipment
Техник	Техникадан фойдаланиш	Level of use of equipment

самарадорлик	даражаси	
Эргономик кўрсатгичлар	Операторга иш шароитини яратиш кўрсатгичлари	Indicators of creating working conditions for the operator
Машинани бошқариш	Операторнинг иш фаолиятини яхшилаш ва унумдорлигини оширишдаги тизимлар жамланмаси	A set of systems for improving operator performance and productivity
Аниқ дәҳқончилик	Жараёнлар ва воситаларнинг ҳолатини аниқ билиш ва уларни олдиндан мос холда мониторинг ва назорат қилиш	Accurate knowledge of the status of processes and tools and their proper monitoring and control in advance
Масофадан туриб бошқариш	Жараёнлар ва воситаларнинг бажариш сифатлари ва техник ҳолатини узокдан туриб бошқариш	Remote control of performance and technical condition of processes and tools

## VIII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

#### Ўзбекистон Республикаси Президентининг асрлари

- Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Тошкент, Ўзбекистон, 2017. «Газета.uz».
- Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
- Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### II. Норматив-хуқуқий хужжатлар

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли фармони;

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институтида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3702-сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 12 майдаги "2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуроллантириш дастури тўғрисида"ги ПҚ-1758-сонли қарори. Т., 2012.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳалари учун мухандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3003-сонли қарори. Т., 2017.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

9. Игамбердиев А., Алиқулов С. “Тракторлар ва қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш, техник сервис”. Т., 2020 – 230 б (ўкув кўлланма)
10. Hunt D. “Farm Power and Machinery Management”, USA, 2016.-360 б.
11. Зангиев А.А. и др. “Эксплуатация машинно-тракторного парка” – М. “Колос”, 2004. – 320 с. (учебник)
12. Krombhols/Bertram/Wandel. “Land-technik”. Germany, 2008.
13. S.C.Panda.“Post Harvest Technology and FarmMtchanization”.India, 2013
14. Тошболтаев М. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига машина-трактор агрегатларидан фойдаланиш даражасини оширишнинг назарий-методологик асослари”. Т., “Фан ва технология”, 2016. - 602 б.
15. Тошболтаев М. Ва бошқалар. Пахтачилик ва галлачилик машиналарини ростлаш ва самарали ишлатиш. Т.: Фан, 2012.-2006.

### **Интернет ресурслари**

1. <http://www.amazon.ru;>
1. <http://www.texbooks.ru;>
2. <http://www.ziyonet.uz;>
4. [www.agri-tech.ru;](http://www.agri-tech.ru;)
5. [www.tdagromarket.ru;](http://www.tdagromarket.ru;)
6. [www.raise.ru;](http://www.raise.ru;)
7. [WWW.DIT.centr.uz](http://WWW.DIT.centr.uz)
8. [www.tiame.uz](http://www.tiame.uz) – Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти Миллий тадқиқот университети